

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 26 (6993-6994)
1999 йил 29 июнь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

Мана, ёзги таътилни ҳам бир ойи ўтиб қолди. Кимдир оромгоҳларда, кимдир қишлоқдаги буважоншо бувижони қошида, кимдир бозорда, кимдир далада. Майли-да, ҳар кимнинг шароити ҳар хил, шундай экан, дам олиши ҳам хилма-хил-да! Баъзан оромгоҳларга боролмай, далада ота-онасига ёрдамлашиб юрган укажону сингилларимга ачиниб кетаман. Кўёш саратонига дош бериб ота-она юмушини енгиллаётган болалар асло хафа бўлмасинлар, ахир улар иш ўрганаяптилар, хонадонларига қут-барака киритаяптилар, асосийси, меҳнат билан нон топиш машаққатини ҳис қиляптилар. Аммо бу қаторга бозорда сув сотиб юрган болакайлари киритолмаймиз. Хуллас, бугунги суҳбатдошларимиз Тошкент туманидаги 25-мактаб ўқувчилари билан ҳам шу ҳақда баҳслашамиз.

ҒИШТ УЗАТИБ ТУРАМАН

Улуғбек ИЛҶОМОВ —
Тошкент туманидаги 25-мактабнинг 4-синф ўқувчиси:

— Бу йил бувимникига бориб дам олмоқчи эдим, бассейнлари бор, маза қилиб чумилмоқчи эдим. Ойижоним «Менга қарашасан, уканг Элёрбек йиглок, сен булмасанг қийналиб қоламан, дедилар. Хуп, дедим чунки укам туғилишини роппа-роса ун йил кутганмиз. Ойим овқат пиширадилар, мен пиёз, картошка артаман, адажоним ишдан келсалар, қулларига сув қуяман. Яна-чи, адажонимга ғишт узатиб тураман, еғоч ишларида ёрдамлашаман. Адажоним қули гул усталар. Буш вақтларимда, укам ухла-

ЁЗГИ ТАЪТИЛ — ЎТМОҚДА ҲАР ХИЛ

— Адам музқаймоқ тайёрлайдиган цех очдилар. Ҳар куни 20—30 та музқаймоқ олиб келадилар. Мен дугоналарим билан маҳалла-



бормоқчидим, улар участка қуришяпти. Уйимизда туйга ҳаракат бошланиб қолди. Зиеда опамни узатмоқчимиз. Катта акам қулларидан келганча зиналарни тузатяптилар. Уларга ёрдамлашиб тураман. Кейин ҳар куни қуйларимни боқаман. Азим, Суҳбат, Камол, Жамоллар ҳам молларини боқишади. Бирга мол боқамиз, ҳар хил уйинлар уйнаймиз. Ҳамма мол боқиш маза, узи утлаб юравради, дейди. Уларга ҳам қараб туриш керак, бўлмаса... Бир куни Сардорнинг кичкина бузоқчаси зовурдан утаётган эди. Сардор сакраб ута олади, деб уйлади. Бузоқча зовурга тушиб кетди. Сув буйнигача чикди. Сар-

мизда музқаймоқ сотаяпман. Дастлаб уялдим, кейин эса урганиб кетдим. Пулини адамларга бераман, адажоним менга куйлаклар, туфлилар олиб бердилар. Оилада иккитагина фарзандимиз, укам энди биринчи синфни битирди. Музқаймоқ бошқа жойдагиларга қараганда, 10—15 сум арзон, адам маҳаллага қиммат сотма, дейдилар. Майли, арзон олишганига хурсанд бўлиб, дуо қилишса булди. Мен бирни олиб унга сотаётганларга ухшамаганимдан хурсандман. Кейинги йилда албатта оромгоҳга бораман.

УЙИМИЗДА ШУНЧА ИШ ТУРГАНДА...

Мирзиёд Шарипов — Тошкент туманидаги 25-мактабнинг 6-синф ўқувчиси: — Адажоним дехқонлар. Ҳар йили боғ олиб узум парваришлаймиз. Картошка, сабзи, бақлажон экамиз. Ҳамма керакли маҳсулотлар даламиздан чиқади. Уйимизда шунча иш турганда оромгоҳга боришни уйламадим ҳам. Далада ишлаймиз, ота-онамга ёрдамим тегаётганидан хурсандман.

ЎЙГИТ КИШИ УЗИНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛИШИ КЕРАК

Тоҳир Муродов — 9-синф битирувчиси:

— Яқинда қулимга шаҳодатнома олдим. Мактабимиз 9 йиллик булгани учун 10—11-синфни бошқа мактабда ўқишмоқчиман. Таътилда ҳам йил буйи қатнашган тугаракларимга бораяпман. Кикбоксинг, каратэга қизиқаман. Ахир, йигит

Сиз қандай дам оляпсиз?

нт туманидаги 25-мактабнинг содда, ота-онасига меҳрибон болажонлари шундай дам олишмоқда. Дала ишларида ёрдамлашмоқдалар.

Ис, даладаги анови қиз ким бўлдикин? Яқинлашиб, суҳбатлашдим.

ДАЛАДА ШЕЪР УҚИСАНГ, ОВОЗИНГ ЖАРАНГЛАБ ЧИҚАДИ

— Исми Шоира. Фамилиям Маҳкамова. Шаҳарда турамиз. Адам Шаҳар ДАНББ да ишлайдилар. Онам уйдалар. Раҳматилла акам, укам Рихситилла ва менга адам шу боғни олиб берганлар. Боғни парваришлаймиз, тоқларни тараймиз. Боғ ичига картошка, сабзи, супурги, жухори, аччиқ гармдори, болгар, мош, ун, хот, ҳар хил гуллар, астра экканмиз. Ана, қуряпсизми, кундузи дам олишимиз учун чайла ҳам қуриб қуйганмиз. Ҳосилга қараб қувонамиз. Сувга қараб тураман, акам ва укам чумилишади. Мен китоб уқийман, шеър ёдлайман. Далада, очик жойда шеър уқисангиз, овозингиз жаранглаб чиқади. Уқингиз келавради. Таътилда ҳеч биримиз буш қолмадик. Ҳам меҳнат, ҳам дам. Маза.

Қандай соз! Таътилда ҳам китоб уқилишни унутмайдиган китобхонларимиз бор экан. Дарвоқе, Тошкент туманидаги 25-мактабда бир анъана юзага келибди. Буни қўллаб-қувватлаш керак. Битирувчи синф ўқувчилари мактаб кутубхонасига биттадан бадиий китоб совға қилиб кетаётган эканлар. Ҳар қандай таҳсинга лойиқ иш. Келгуси йил укалари бу китоблардан баҳраманд буладилар, ҳам



ганда, синфдошларим Гулчехра, Дилноза, Беҳзод, Нодирларникига бораман. Фақат устозим-Малика опамни жуда соғиндим, албатта бориб қуриб келаман.


ҲАММА МОЛ БОҚИШ ОСОН, — ДЕЙДИ

Музаффар Турсунов —
5-синф ўқувчиси:

— Таътилда тоғамникига

дор йиглади. Шу пайт бир амаки келиб қолдилар. Кийимларини ечиб, сувга тушдилар ва бузоқчани итариб сувдан чиқилига ёрдамлашдилар. Шу-шу Сардор бузоқчасини боқмай қуйди.

АРЗОН
МУЗҚАЙМОҚКА
КЕП ҚОЛИНГ
Шахло Тўлаганова — 6-синф ўқувчиси:



беринг, кейин хурсанд бўласиз: Вақтни беҳуда кетказманг, ҳар йили 100-200 тадан тестларни ечиб боринг, кейин қийналмайсиз.

кутубхона бойийди. Азиз болажонлар! Сиз қандай дам оляпсиз? Таътилда қандай китоблар уқияпсиз? Бизга шулар ҳақида ёзиб юборинг.

Ана шунақа гаплар. Тошкент

Суҳбатдош:
ГУЛЮЗ ВАЛИЕВА.

Мен келажакда журналист бўлмоқчиман. Яқинда синфдошларимга «Китоб ва китобхонликнинг аҳамияти қандай?» деган суров билан мурожаат қилдим. Қуйида уларнинг жавобларини эътиборингизга ҳавола этаман.

Нозима ОРИФБОЕВА.

«Алпомиш» дostonини ўқиб чиқдим. Шу дoston асосида реферат ёзиб, адабий ўлкашунослик бўйича туман мусобақасида иштирок этдим. Омон бахши Раззоқ ўғли синфимизга келиб айтиб берган «Алпомиш» дostonни Фозил Йўлдош ўғли айтган «Алпомиш»дан фарқ қилар экан. Бу дoston аввал оддий ривоят бўлганини, Алпомиш Туроннинг буюк подшоҳи Али Эр Тунга бўлиши мумкинлигини билиб олдим.

Муқаддам МИРЗАҲАКИМОВА.

Устозимиз дарсда Шавкат Раҳмоннинг ачиқ қисмати ҳақида гапирдилар. Синфимиз кутубхонасига бу уچار, қайсар табиатли шоирнинг «Хулво», «Гуллаётган тош», «Очиқ кунлар» китобларини келтириб бердилар. Мен уларнинг барчасини ўқиб чиқдим. «Туркийлар», «Титроқ сездингми ҳеч...», «Автобусдаги ўйлар» каби қатор шеърларидаги исён, шиддат, кескинлик менга жуда ёқди. Ўзимда янги кучгайрат сездим. «Тоғ», «Туя», «Терак», «Мажнунтол» каби рамзлар мени ҳайратга солди. Шавкат Раҳмон шеърларини тушуниб ўқиган, ёдлаган кишидан ҳеч қачон хоин, номард чиқмайди.

Бобуржон БОЙДЕДАЕВ.

Мен тарихга қизиқман. Шунинг учун тарихий-бадий китобларни

қизиқиб ўқийман. Спитамен, Широқ, Тўмарис, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур шу каби буюк шахслар ҳақида дарсликлардан кўра бадий китоблар менга кўп нарса ўргатди. Ҳозир битта орзу билан яшайман: XXI асрда ўзбеклардан яна ушандай буюк инсонлар етишиб чиқсин-да!

Шухрат СОАТАЛИЕВ.



Мен болалар ҳаёти тасвирланган асарларни севиб ўқийман. Кейинги пайтларда Анвар Обиджоннинг «Жуда қизиқ воқеа», Абдураҳмон Акбарнинг «Ёзнинг туғилган кунини», Тўхтамурод Рустамнинг «Ғаройиб мактуб» китобларини ўқиб чиқдим. Зериксак, синфдошларим билан уларни ўқиб, роса кулишамиз. Муқаддам Анвар Обиджон шеърларини деярли ёд билади. Ўзим эса улардек шеър ёзишни орзу қиламан. Шеърларимдан бирини ўқиб кўринг-чи:

Боғчага чиқмайман,
— дер,
Жиян қилар хархаша.
Уйда овқатни кўп ер,



КИТОБ ВА КИТОБХОНЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ ҚАНДАЙ?

ди. Ўзимнинг ҳам улардан кам жойим йўқ. «Тонг юлдузи» келганда-ку, синфимизда ҳақиқий томоша бўлади. Ҳозирча қишлоқда «Мухбир бола» деган ном олдим. Ахир «Тонг юлдузи»да учта мақолам

тобларни жуда яхши кўраман. Бадий китобларни ўқиб, ундаги оламола маъноларни қалбим турига жойлайман.

Яқинда Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим» асарини ўқиб чиқдим. Ундаги инсон юрагини жунбушга келтирувчи ва йиғлатувчи жумлалар мени ҳайратда қолдирди. Ёзувчининг яйраб ёзилиб, эркин, содда, самимий ёзишига ҳавас қилдим. Менимча, шундай эссе-хотираларни кўпроқ чоп этиш керак.

Феруза МУРОДОВА.

Бўш қолсам, шеър ва мақолалар ёзиш, бадий китобларни ўқиш билан шуғулланаман. Отам ҳам ижодкор мен уларнинг шеър ва китобларини ёқтираман.

Аъзамжон АБДУЛЛАЕВ.

Бадий китоб ўқишни яхши кўраман. Бўш қолдим дегунча, дарров кўлимга китоб оламан. Китоб — менинг энг яқин ва яхши дўстим.

Дилфуза ЖЎРАБОЕВА.

Биз ўз хонамизга кутубхона ташкил қилдик. У китоблардан ҳозир Явдат Илёсовнинг «Сўғдиёна» тарихий романини ўқияпман.

Хуршида МУБОРАКОВА.

Болалар! Тенгдошларингизнинг мактубларидан уларнинг жуда кўп китоб ўқишларини, кенг фикрлашларини англагандирсиз. Сиз таътил вақтларингизда қандай китобларни ўқийсиз? Қандай китоблар сизга манзур бўлади. Фикрларингизни ёзиб юборинг.

Чортоқ туманидаги Мирзо Улўғбек номи 22-ўрта мактабнинг 7- «А» синф ўқувчилари мўҳокамага чорлайди

чиқди-да! Синфимизга кўз тегмасин. Ҳаммаси учун устозимиз Муҳаммад Маматалиевга катта раҳмат.

Улўғбек УМАРОВ.

Туғилган кунимда дадам «Тонг юлдузи»га обун қилдилар ва Чўлпоннинг икки томлик «Асарлар»ини совға қилдилар. Уларни ҳаяжон билан мутолаа қиламан. Устозимиз бу йил, айниқса, Чўлпон, Усмон Носир, Рауф Парфи ижодларини жуда бошқача ўргатдилар. Тулан Низомнинг Чўлпонга бағишланган «Садо» дostonини, Рауф Парфининг «Кўнгил», «Юрак» шеърларига боғланган мухаммасларини синфдошим Феруза билан тўла ёдлаб олдик. Уларнинг таъсиридан

Жонга текканми каша.

*Яхши ҳам усталар бор,
Қуриб берди «тоғча»ни
Нурилло ўйинга зор,
Севиб қолди боғчани.*



Зухра ЖУМАНАЗАРОВА.

Синфдошларимнинг ҳаммаси китобга ёпишиб олишган. Китоб деса ўзларини томдан ташлаша-

чиқиш қийин булар экан.

Мадина НАРЗУЛЛАЕВА.

Китоб ўқиш инсоннинг фикрлаш доирасини кенгайтиради. Мен бадий ки-

Кун эди айни чаштгоҳ,
Фармон берди
Бобуршоҳ:
— Барча саройга
келсин,
Бамисоли оху елсин!
Ҳамма фозил, донолар,
Сўзлари пурмаънолар.
Келдилар тўп-тўп бў-

Оғир ҳаёлга толди.
— Шоҳим беринг
ижозат,
Кўп ўйлашга не ҳожат,

Уни малоийк эккан.
Ошрайхонга не етсин,
Гул унга таъзим этсин.
Бўй таратса оламга,

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ
Шоҳдан чиқмади садо,
Бу нотўғри деган

Зеҳнингга қойил
қолдим.
Олинг бир қоп тилло-
ни,
Дуо айланг ошнони.
Чол дуога қўл очди,
Тиллари инжу сочди.
— Тупроқ олсанг
дон бўлсин,

БОБУР ВА НОВВОЙ

Шеърый эртак

Каму кўп- кўп бўлиб,
Саройга тўлди одам,
Жамоат ҳам бўлди жам.
Тилларидан томиб бол,

Деб шоир сўз бошлади,
Кулиб назар ташлади.
— Эсса майин
шаббода,

Ҳузур берур одамга.
Ҳар ҳовлида ундириб,
Шоҳларини синдириб,
Чеккамизга тақамиз,
Қувонч билан боқамиз.
Кертиб ошга солинса,
Тўйиб ҳидлаб олинса,
Бош оғригин даф этар,
Райхонга нима етар.
Шоҳдан чиқмади садо,
Бу нотўғри деган

маъно.
Ҳаммага бир-бир қараб,
Ўзини доно санаб,
Гап бошлапти бир

киши,
Хуштак чаларкан тиши.
— Жийда гуллаган

чоғда,
Атр қолармиш доғда.
Гул, райхонга йўл

бўлсин,
Бари унга қўл бўлсин.
Жийда гулин ҳиди оҳ,
Ким эмас бундан огоҳ.
У дунёга келмапти,
Ҳид нелигин билмапти.
Шоҳдан чиқмади садо,
Бу нотўғри деган

маъно.
Қоматини этиб гоз,
Касбини айлаб эъзоз.
Сўз бошлади бир

боғбон,
Овози экан йўгон.
Боғим тўла нашвоти,
Олмалар жон роҳати.
Қизилдир тарам-тарам,
Таъми шириндир бирам.
Полизимда хандалак,
Отиб ётипти палак.
Ҳай-ҳай атр исидан,
Ўргилайин тусидан.
Ҳидига йўқдир баҳо,
Ўзи минг дардга даво.

маъно.
Бурдаси жондек лазиз,
Шу боисдан мен

нонни,
Нон дема ширин
жонни.
Бошга қўйиб юраман,
Шундан завқ-шавқ

сураман.
Бобур очилиб кетди,
Шодон ёнди кўзлари,
Лабларидан сўзлари,
Дурдек сочилиб кетди.
— Бобо сенга тасанно,
Экансан жуда доно.
Зукколигинг тан ол-

маъно.
Тополмай тўғри

жавоб,
Эл бўлди роса хуноб.
Ҳамма айтган фикрлар,
Тилга олган зикрлар.
Шоҳга маъқул бўлмади.
Нозик кўнгли тўлмади.
Шу пайт остонада,
Муҳташам кошонада.

Бозида бир сават нон,
Эгнида йўл-йўл чопон.
Кириб келди қари чол,
Бобурга боқди хушқол.
Тилларидан томиб бол,
Гап бошлади

новвой чол.
«Ненинг ҳиди яхшидир—
Ўзи дала нақшидир»
Дебон савол

ташладинг.
Яхши ишни бошлади-

нг.
Шоҳим ёруғ дунёда,
Ноннинг иси зиёда.
Бугдой дала зийнати,
Унинг кўпдир ҳикмати.
Ҳар неъматдан

нон азиз.
Бурдаси жондек лазиз,
Шу боисдан мен

нонни,
Нон дема ширин
жонни.
Бошга қўйиб юраман,
Шундан завқ-шавқ

сураман.
Бобур очилиб кетди,
Шодон ёнди кўзлари,
Лабларидан сўзлари,
Дурдек сочилиб кетди.
— Бобо сенга тасанно,
Экансан жуда доно.
Зукколигинг тан ол-

дим,
Бурдаси жондек лазиз,
Шу боисдан мен


нонни,
Нон дема ширин
жонни.
Бошга қўйиб юраман,
Шундан завқ-шавқ

сураман.
Бобур очилиб кетди,
Шодон ёнди кўзлари,
Лабларидан сўзлари,
Дурдек сочилиб кетди.
— Бобо сенга тасанно,
Экансан жуда доно.
Зукколигинг тан ол-

дим,
Бурдаси жондек лазиз,
Шу боисдан мен

нонни,
Нон дема ширин
жонни.
Бошга қўйиб юраман,
Шундан завқ-шавқ

сураман.
Бобур очилиб кетди,
Шодон ёнди кўзлари,
Лабларидан сўзлари,
Дурдек сочилиб кетди.
— Бобо сенга тасанно,
Экансан жуда доно.
Зукколигинг тан ол-



Барчага тилаб иқбол,
Гап бошлади Бобуршоҳ,
Сўзи ширин эди оҳ.

— Бераман битта савол,
Бўлмайн паришонқол.
Тўғри жавоб беринглар,
Чуқур ўйлаб қуринглар.
Ким берса тўғри жавоб,
Тилло бераман бир қоп.

«Нени ҳиди яхшидир,
Ўзи дала нақшидир?»
Ҳамма ўйланиб қолди,

Бўй таратиб ҳавода,
Гуллар атр сочади,
Баҳри дилинг очади.
Гулнинг йўқдир

қиймати,
Гулдир дала зийнати.
Шоҳдан чиқмади садо,
Бу нотўғри деган

маъно.
Туриб бир мулланамо,
Таъзим айлади бажо.
— Райхон жаннатдан

чиққан,



ЮРТ ҚАДРИ

Ватан буюк ва бебаҳо тушунча. Инсон эса шу ватаннинг бир парчаси. Инсонни ватансиз, ватанни инсонсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ватанни меҳр билан севиш, ардоқлаш, ёмон кўзлардан ҳимоя қилиш керак.

Беш қўл баробар эмас, деган гап бор. Инсон ниқобини кийиб олган ваҳшийлар инсон деб аталган буюк сўзга доғ туширмақдалар. 16 февраль воқеалари биз учун ҳаммиша ўрнатилган бўлиши керак. Жиноят ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. Кимки ўз ватанига хиёнат қилса, албатта жазосини олади. Буни ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деб бежиз айтишмаган экан. Қаранг, ҳаётлари хал булаётган паллада кўзларига ёш олиб, кечирим сўрашлари, ўз қилган айбларини тушуниб етишлари-чи. Бу биз ёшларга ҳам ибрат бўлмоғи керак.

Биз ёшлар Президентимизнинг «Ёшлар бизнинг келажагимиз» деган гапларини қалбдан ҳис этмоғимиз, кўрнамаларни (уларни шундай деб атагим келади) юртимиздан юлиб ташлашимиз лозим. Ҳар бир босган изимизда хушёр бўлмоғимиз, Ватан деб аталган номни асраб-авайлаш учун тиш-тирноғимиз билан курашмоғимиз керак.

Шаҳноза ФАЙЗИЕВА,
Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 2-Касб-хунар лицейининг
58-гурӯҳ талабаси.

АЛИШЕР БИЛАН БУЛБУЛ

Илгари замонда Гиёсиддин кичкина деган кишининг Алишер исмли ўғли бўлган экан. У ёшлигидан уддабурро, зийрак бўлиб усибди. Тўққиз ёшга тулганда эса шеърлар ёза бошлабди. Одамлар у ёзган шеърларини қўлоқ бериб тинглайдиган бўлишибди. Лекин бола узига ҳали тахаллус танламаган экан.

Алишер бир куни янги шеърини ёзибди-да, уни боққа чиқиб баланд овоз билан ўқий бошлабди. Шу пайт теракка чирмашган қирқ оғайнининг шоҳида ўтирган булбул Алишернинг ёқимли овозини эшитиб қолибди. Ёш шоирнинг гоҳ кўнғироқдай жарангдор, гоҳ тонг шамолидай майин овози булбулни узига мафтун этибди. Қушча дарҳол унинг елкасига кўниб:

— Эй, хушовоз шоир, сен ўқиган шеърлар булбулларнинг эрта тонгдаги навосидан ҳам ёқимли экан. Номингни, билсам бўладими? — дебди.

— Алишер! — жавоб берибди бола.

— Билдим, билдим, янги чиққан шоир экансан-да. Энди ўзингга чиройли бир тахаллус танлаб, шеърларингнинг охирига ўшани қўшиб кетгин.

Алишерга булбулнинг бояғи «наво» деган сўзи ёқиб қолибди. Шундан кейин ёзган газалларининг тагига «Навовой» деб ёзиб қўядиган бўлибди.

Шахло МУТАЛОВА тайёрлади.

ЯХШИ БОЛА БУЛАМАН

Одоб — инсон зийнати

Азиз кўчадан сувга тушган мушукдек хомуш бўлиб кириб келди. Ҳамма ундан безор, ҳамма «ана қитмир келяпти» дейди. Ҳозир бир нимани бошлайди, «э-э-э, у билан уйнама» деб Азиздан ўзини олиб қочади.

Маҳалладаги катталар эса «Ҳа, безори, саҳарлаб кўчага чикдингми, таътил бошланиб худо берди сенга» деб дарров асабига тегишди. Азиз бу гаплардан хафа бўлмади, чунки бунга асоси ҳам йўқ, сабаби ҳам. Улар тўғри айтишяпти-да. Юрагини қоллаган аллақандай гашлик, қоронғулик Азизни чуқур уйга ботирди. «Нега ундай экан-а, яхшилиқ қиламан дейман-у, доим акси бўлади. Ёрдам бергим келади-ю, нуқул ҳалақит бериб қўяман, ҳамма мени ёмон куради... Э, бор-э, деб баттар ёмонлик қилгим келади-ю, ўзимни зўрга босаман. Онажонимга раҳим келади. Ахир уларнинг ҳам жонларига тегиб кетдим. Ҳали у қўшни

«ўглингиз дарахтимни синдирди», ҳали бу қўшни «товугимни қулади» деб ойимга шикоят қилган-қилган. Тунов куни онажоним ҳам «жонимга тегиб кетдинг» деб роса уришдилар. Шунда яна ўзимдан ўзим баттар хафа бўлиб кетдим. Нега бунақа экан-а, қандай қилсам яхши бола бўламан экан-а», — деб хаёл суриб утирган эди, бирдан дарахтдаги мусича инидан бир полапон учман деб ерга йиқилиб тушди. Қўшчани инига қўйиб тушаётган Азизнинг оёғи онаси Ҳозир ювиб, қуритиш учун ёйган кирларни осилган дорга илиниб, арқон узилди-ю, тоза кирлар ер билан битта бўлиб тупроққа қорилди. Ана шунақа, энди онасидан роса гап эшитади. Ахир атайлаб қилмади-ку, лекин буни қандай тушунтиради. Барибир ҳеч ким ишонмайди. Қилган ишини онаси кўрмай туриб, Азиз югуриб уйга кирди ва китоб жавонидаги барча китоблар сочилиб ётганига ва синглиси кичкинагина Нигора, уларни варақлаб уйнаётган

нига кўзи тушди. Нигоранинг кўлидан китобларни олар экан, Азизнинг диққатини муқоваси қизил рангли китоб ўзига тортди. У «Яхши бола бўламан» деб номланган эди. Азиз роса хурсанд бўлиб кетди. Худди унинг ичидаги ўй-хаёлларини Хизр бува билган-у, шу китобни атайлаб унга ташлаб кетгандек туюлди.

Болалар, сизнинг орангизда ҳам Азизга ўшаган болалар бордир. Шуни ҳисобга олиб шу китобдаги баъзи мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қилаялмиз. Зеро, бу сизга ёрдам берса.

Эрталаб турган заҳоти бадан тарбия қилинг. Бу жараён орасида югуриб бориб қиш бўлади-ми, ёз бўлади-ми, албатта, деразани очиб қўйинг. Яна озгина шуғулланганингиздан кейин ётган урнингизни йигинг. Бадан тарбия охирида тунги қўйлагингизни ечинг ва тахлаб қўйишни унутманг. «Уфф... яна насиҳат, ҳар куни ота-онаси гапирадиган гап» деб энсангизни қотирманг, аксига ўз ишингиздан мамнун бўлишга, ҳар бир оддий ишни санъат даражасига етказишга ҳаракат қилинг ва бажарётган ишингизни чиройли чиқишига аҳамият беринг. Масалан, деразани очиш оддий бир иш, ҳатто иш дейишга арзимайдиган бир ҳаракат, холос. Аммо бунга етарлича эҳтиёткорлик билан ёндошилмас дераза пардалари ва ойналарига шикаст етиши мумкин. Пардаларни бир четга суриб, деразани очинг, кейин дераза билан ром оралиғига тиргак қўйинг. Бу

шамол бўлса, дераза қаттиқ ёпилиб, ойнанинг синишидан сақлайди. Ётган урнингизни йиғиётганингизда ҳам ҳар бир жузый ишга алоҳида эътибор беринг. Масалан, урин ёпқичингизнинг ҳеч қаери қийшиқ бўлиб қолмадим, ёстиғингиз яхши шишилдим ва каравотга тўғри қўйилдим, каравот усти текис бўлдими, бош ва оёқ томонларида ҳеч бир ортиқча нарсалар йўқми, каби саволларни тез-тез ўзингизга бериб туринг. Ҳеч бир майда нуқсон сизнинг назоратингиздан четда қолмасин. Тунги қўйлагингизни тахлаётганингизда ҳам уни чиройли, текис тахлашга ҳаракат қилинг. Хонангиздаги стол устидаги барча керак-сиз нарсаларни эҳтиёткорлик билан бир четга жойлашни унутманг. Кийим жавонингизга ҳам бир кўз ташлаб қўйинг. Таҳи бузилган нарсаларни чиройли қилиб текисланг. Мана хонангизни йиғиштириб бўлдингиз. Энди сочигингизни олинг-да ювинишга отланг. Ювиниб булғач, албатта, совунни қутисига солиб тиш паста ва гушакларни жойига қўйишни одат қилинг. Артиниб булғач, сочигингизни доимий жойига илиб қўйинг. Ошхонага чиққач эса сиз учун чой тайёрлаётган онажонингизга салом бериб, ўпиб қўйишни унутманг. Бошқалар билан ҳам саломлашиб булғач, ошхонадаги ҳар бир нарсага эътибор билан қараб чиқинг. Ўзгаришлар топсангиз, масалан, пардаси ўзгарган бўлса, ёки дастурхон янги бўлса, дарров шуни пайқаганингизни онагизга билдириб, ўша нарсани

мактаб қўйинг. Мабодо сизга ёқмайдиган нарса бўлса, асло оғиз очманг, бу билан онагизни кайфиятини эрталабдан бузиб қўйишингиз мумкин. Нонушта қилаётганда қошиқни тўғри ушланг, нон ушатишга ва нонни тескари ушламасликка ҳаракат қилинг. Чунки нон муқаддас неъмат ҳисобланади. Уни тескари туттиш ярамайди. Чойга шакар солиб аралаштираётганингизда ҳам соат мили буйича чақдан унга қараб аралаштиринг. Нон ва қошиқни тескари тутмаслик, чойни тескари аралаштирмаслик бутун кун давомида сизнинг ишларингиз тескари келмаслигидан сақлайди. Нон ва бошқа егуликларни чапиллатмасдан, оғзингизни юмиб чайнашга одатланг. Чойни хўриллатиб ичманг. Бу одобсизликка кирарди. Чой ичиб булғач, оилак билан нонуштага фотиҳа қилишга унутманг. Чунки фотиҳа сизнинг кейинги ейиلاجак насибангизга ризқ қўшади. Ана шундан кейин онагизнинг ҳақиқат ҳаракатларига разм солинг. Сизнинг нонушта қилаётганингиздаги фарқини онагиз албатта фаҳмлидлар. Сиз ётган жойни йиғиштириш учун кирган волидангиз хонангиздаги саришталикдан боши кўкка етиб, қанчалик шодланишини бир тасаввур қилинглар-а! Бу сизнинг биринчи ютуғингиз Онажонингизнинг «Баракала ўлим» деб юракдан айтган гаплари сизни беҳад қувонтириб, кайфиятингизни кўтарарди.

(Давоми бор)
М. КАРИМОВА тайёрлади.

БОР БҮЛИНГ, ОЙИЖОНИМ!

Таътил бошланди, дегунча ойижонимнинг хонадони биз набиралари билан гавжум бўлиб кетади. Барчамиз уларнинг атрофида гирдиқапалак бўламиз. Чунки ойижоним бизни жудаям яхши кўрадилар. Қани энди иложи бўлса уларнинг ёнларидан кетмасак. Лекин ноилоҳ. Биз Тошкентда яшаймиз. Ойижоним эса Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида яшайдилар.

Ойижонимнинг уйлари ёнидан катта канал оқиб ўтади. Биз ёз бўйи ана шу канал ёнидаги кичкина ариқда мазза қилиб чўмилиамиз. Ҳозирча сузишни жуда яхши урганиб олганмиз йўқ. Лекин Баҳром амаким бошчилигида таътил мобайнида сувдаги «балиқ» бўлиб кетсак керак.

Укам Алишер билан қўй ҳам боқаялмиз. Сигир, молларга унча-мунча ўт ҳам бериб тураемиз. Товуқлар, куркалар, кучуқлар, мушуклар... Хуллас ҳақиқий ҳайвонот боғи, атрофи эса кенг дала. Турли-туман ме-

вали дарахтлар. Бундай жаннатмакон жойда зерикиб бўларканми?

Бизга ана шундай шароит яратиб бераётган ойижоним, дадажонимдан жудаям хурсандимиз.

Ойижоним билан Муҳаббат кеннойим ҳам бирга яшашади. Яқинда улар уч ой касалхонада даволаниб чиқдилар. Ҳозир анча тузалиб қолганлар. Хоҳлардимки, кеннойим касал бўлмагандек буткул соғайиб кетсинлар.

Яқинда Тожиниса ойижоним муборак ёшларини нишонлайдилар. Фурсатдан фойдаланиб уларни, кеннойимни Аёллар йили билан, ойижонимни эса таваллуд кунлари билан биз барча набиралари чин юракдан табриклаймиз.

Бахтимизга дунёдаги барча оналар соғ-саломат бўлсинлар.

ИСКАНДАР, АЛИШЕР, УЛУҒБЕК ОДИЛОВ, НОДИРА, НОИЛА, МАДИНА СЕВАРА, НИЛУФАР НАРГИЗА ОДИЛОВЛАР.

БУВИЖОНИМНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Болаларнинг бахтиёрлиги учун бувиларнинг борлиги яхши. Бувилар айтган эртақларда, бувилар айтган мақол-маталларда 18 минг олам ҳикмати мужассам. Бувижонларимизнинг сокин ва улғувор қиёфаларида, нуроний чеҳраларини безаб турган ажинларда, маъюс кўзларига чўккан оғир бир мунда ажиб бир донишмандлик яширинган. Мен бувижонимни жудаям яхши кўраман. Эрқалашлариниям, алқашлариниям, ҳатто жаҳлларини чиқарганимда бурнимдан чўзиб, «Ҳа омон бўлгурсей, яна шу ишингни такрорласанг, қулоғингни чўзиб оламан, билдингми?!», — дея қайта-қайта такрорлашлариниям... Хуллас, ҳамма-ҳаммасини яхши кўраман. Агар бир икки кун кўрмай қолгудек бўлсам, кунглим соғинчлардан орзиқиб кетади. Яқинда бувижонимнинг 80 ёшларини нишонлаганимизда уйимиз меҳмонга тулиб, шунақаям катта байрам бўлиб кетдики, асти қуяверасиз. Мен ҳам, шу жумладан

ўзимнинг дил изҳорларимни ва қўтловларимни сизларнинг саҳифаларингиз орқали бувижонимга етказмоқчиман.

Ҳамда меҳрибон бувижонимни 80 ёшлари, ҳам Аёллар йили билан чин қалбимдан табриклайман.

Меҳрибон бувижоним ҳаммаша соғ-саломат бўлсинлар. Бизга ҳар доим бир-биридан марқоли эртақлару афсоналар айтиб беришдан асло чарчамасинлар.

Ирода СЕЙИТНИЯЗОВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманидаги Пушкин номли мактаб ўқувчиси.



YUZGA KIRING, DADAJON



Mening aziz va mehribon Dadajonim!

Sizni tug'ilgan kuningiz bilan chin yurakdan tabriklayman. Sizga uzoq umr tilayman. Meni, oyijonimni—hammamizning baxtimizga doimo sog' bo'ling. Eng yaxshi tilaklarim sizga hamroh bo'lsin. Yuz bilan yuzlashib, tetik bo'lib yuring, deb qizingiz

Laylo ALIBEKOVA, Jizzax viloyati, Zomin tumani, A. Qodiriy nomidagi 25-o'rta maktabning 7-«A» sinf o'quvchisi.



ЁШ БАНК ХОДИМЛАРИГА - СЕРТИФИКАТЛАР

Банк синфлари ўқувчиларининг қувончи чексиз. Чунки улар куни кеча қўлларига етуклик гувоҳномаси билан бирга банк ходими деган сертификат-шаҳодатнома ҳам олдидлар.

Бу синфлар замонавий банк тизими, пул муомалалари, иқтисодиёт қонунларининг энг умумий асослари билан таништириш ва банк соҳасига ёшларни жалб этиш мақсадида ташкил этилган эди.

Жами 40 та, шу жумладан, пойтахтимизда 14 та ана шундай махсус синфларда таълим олган ўқувчи ёшлар умумий ўрта таълим

билимлари билан бирга банк операциялари, компьютер, факс ва бошқа замонавий техника воситаларида ишлаш кўникмаларини эгалладилар.


Банк синфлари битирувчилари хоҳишига қараб, ўз билимларини ошириш, чуқурлаштириш учун олий ўқув юрталарида ўқишни давом эттиришлари ёки шу йилнинг ўзида турли банк муассасаларига кичик банк ходимлари бўлиб ишга киришлари мумкин. Зеро, бу ўқувчилар ўқиш жараёнида банкларда амалий машғулотлар ўтказганлар, банк ишлари билан яқиндан танишганлар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОКЕАН ФЛОТИГА АСОС СОЛИНДИ

Ўзбекистонда океан тугул денгиз ҳам йўқ-ку, дейсизми? Баҳо беришга шопилманг, Орол денгизимиз кичрайиб қолгани билан ноумид шайтон: ҳукуматимиз кўраётган чоралар Оролни яқин орада яна улкан мовий денгизга айлантиришига ишонинг!

Бугун биз сизга Ўзбекистоннинг Океан флоти ҳақида хабар бермоқчимиз. Қаловини топсанг қор ёнади, дейдилар. Республикамининг дунё ҳамжамияти билан ўрнатган дўстона алоқалари мамлакатимиз иқтисодиёти учун улкан имкониятлар дарвозасини очди.

Яқинда Ўзбекистон Қора Денгиз Иқтисодий



Ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди. Бу ташкилотнинг аъзолари асосан океан бўйи мамлакатлари. Лекин океанлардан узоқдаги - қуруқлик ўртасидаги иккита мамлакат - Швейцария билан Чехия ҳам ушбу ташкилотга аъзо бўлган эди. Қитъа ўртасидаги учинчи аъзо мамлакат - бизнинг Ўзбекистон бўлди.

Республикамиз учун яқин вақтлар ичида украинлик кемасозлар қудратли юк ташувчи кемалар қуриб берадилар. Ҳозир Украина-

нинг Ильичевск ва Грузиянинг Потти порт шаҳарларида умумий сизими 100 минг тонна юк сиғадиган омборлар ижарага олинди.

Ўз кемаларимиз тайёр бўлгунига қадар ижарага олинажак Украина юк кемалари Ўзбекистон Давлат байроғи остида денгиз ва океанлар оша дунё бозорларига қатнайди.

Маълумки, сув транспортлари - дунёдаги энг қулай ва арзон транспорт. Оқ йўл, сенга Ўзбекистоннинг денгиз-океан флоти!

ОРОМГОҲЛАРАРО „ЁШЛАР ИЛҲОМИ“ ШАҲАР КЎРИК-ТАНЛОВИДАН

Лавҳа:

Шаҳар кўшимча Таълим Мажмуа биносига киравериш: "99 - Ёз". "Ёшлар илҳоми" болалар кўрик-танлови" ёзуви ва танлов рамзи чизилган пано ҳамда шарлар билан безатилган.

Муסיқа садолари остида карнавал кийимидаги ёш санъаткорлар болалар ва меҳмонларни шодон кутиб оладилар.

- Ассалому алайкум, хуш келдингиз! Қани, марҳамат қилсинлар!

- Вой, мана бу болани қаранглар, жуда ҳам ширин экан. Отинг нима? Оқ отинг борми? Йўқ дегин-а! Кўявер, катта бўлсанг, ўзинг сотиб олсан.

- Болалар, тошбақа учиб, осмонни айланиб, жуда кўп нарсаларни кўриб, ҳайвонот боғига тушибди. Агар у ерга борсаларинг, кўрганларини айтиб беради. Сўнг ёш рассомлар кўрган-эшитганларини чизадилар, ёш шоирлар шеърлар битадилар.

- Хўш, айтинглар-чи, сўнгги кўнғироқдан бери қанча вақт ўтди? Нима, яқинда таътилга чиқдик, дейсизларми? Анча бўлдиёв. Менинг дангса ўртоқларим тўполон қилавериш ҳаммани безор қилиб юборишди-ку?! Айтганча, эртага улар узоқларга дам олишга кетишса, ҳаммаёқ тинчийди. Сўнгра таътиллигига ишонаман.

- Қани, ким яхши ўйнайди? Марҳамат, даврага тушинглар.

- Қани, ичкарига марҳамат! Сизларни рўйхатга олишади.

Шарҳ:

Тошкентда шаҳар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган болалар учун уч босқичдаги "Ёшлар илҳоми" кўрик-танлови эълон қилинган эди.

Кўрик-танлов Аёллар йилига бағишланган бўлса-да, таваллуд саналари нишонланаётган Жалолддин Мангубердиннинг 800 йиллиги, Камолддин Беҳзоднинг 545 йиллиги, Ҳамид Олимжоннинг 80 йиллиги, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги каби мавзуларни ҳам ўз ичига олди.

Тадбирнинг оромгоҳ, туман босқичлари ўтказилиб, ёш шоирлар, ёш рассомлар йўналишида 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган голиблар якуловчи-шаҳар босқичида иштирок этдилар. 11 та туман ва-



киллари кўрик-танловда иштирок этишди.

Улар ижодини "Гулхан" ойномасининг муҳаррири, шоир ва адиб Сафар Барноев, шоир Ёқуб Хўжаев, шоира Мукаррама Муродова, Республика бадий коллежининг ўқитувчиси, рассом Зафар Болтабоев, "Гулхан" журналининг бош расмони Мирвосил Одилов, Шаҳар кўшимча таълим мажмуи "Наққошлик" студияси раҳбари, рассом Мирюсуф Болтабоев, Шаҳар кўшимча таълим мажмуи "Камалак" тасвирий санъат студияси раҳбари, рассом Зулфия Мамбетовалардан иборат ҳайъат баҳолади.

Болаларнинг бир қувончига ўн қувонч қўшиш мақсадида қатор ҳомий ташкилотлар вакиллари ташриф буюришди.

"Нестле" компанияси эса ўз маҳсулотлари билан болаларни меҳмон қилди.

Шу куни ёш рассомларнинг оромгоҳ, туман кўрик-танловларида чизган расмлари кўргазмаси ташкил этилди. Ёш рассомлар ҳайъат аъзолари таклиф этган мавзу бўйича расм чиздилар. Гуашь, мой бўёқ, қаламдан қай бирини афзал кўрсалар, ўшандан фойдаланишди. Болалар қизиқарли саволларга жавоб бериб, ўз дунёқараш ва билимини кўрсатиш имконига эга бўлдилар.

Ёш шоирлар ўзлари энг яхши кўрган шеърларини ифодали ўқиб бердилар, сўнг ўз оналари ҳақида шеър ва мақола ижод қилдилар.

Сўнгги топшириқ - мустақил Ўзбекистонимиз 8 йилда эришган

ютуқлар юзасидан савол-жавоблардан иборат бўлди.

Кўрик-танлов тугаб, ҳайъат аъзолари кенгашгунларича, фаоллар залида болаларга Шаҳар кўшимча таълим мажмуи бадий жамоаларининг дастурлари намойиш этилди. Ҳайъат аъзолари кўрик-танлов натижаларини эълон қилишгач, голиблар ва уларнинг устозлари тақдирландилар.

Ёш шоирлар орасида 9 яшар Севара Одилова (60-мактаб ўқувчиси) 1-ўринни, 11 яшар Юра Гуров (282-мактаб ўқувчиси) 2-ўринни, 11 ёшли Малоҳат Тўхтасинова (311-мактаб ўқувчиси) 3-ўринни эгалладилар.

Пойтахтнинг 186-мактаб ўқувчилари М.Бобирова (10 ёш), Ф.Обидова (10 ёш), Ш.Хошимов (9 ёш)дан иборат гуруҳ шартларни жамоа бўлиб бажаришди ва рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлдилар. М.Боймуродова (173-мактаб ўқувчиси), В.Скоблева (242-мактаб ўқувчиси) ҳамда К.Салиева (282-мактаб ўқувчиси) каби ўқувчиларнинг истеъдод ва иқтидорлари "Нестле" томонидан ширинликлар билан тақдирланди.

Ёш рассомларнинг 8 нафари 15 дақиқада чизган табиат манзаралари юқори баҳоланди ва улар "Гулхан" ойномасида босиш учун тақдим этилди.

Тадбир сўнггида Шаҳар кўшимча таълим мажмуи директори Г.М.Ҳамзаева голибларни қутлади, йиғилганларга омад тилади.

Муршидагон НИЗОМОВА.

ОРОМГОҲДА НЕПТУН БАЙРАМИ

Бугун Бўстонлик тумани сўлим Оқтош қишлоғидаги "Автомобилчи" оромгоҳида катта байрам. Ахир мазкур болалар оромгоҳида 1999 йил ёзги таътилининг 1-мавсуми ўз ишини якунлайди. "Автомобилчи"да июнь ойи ичи 400 дан ортиқ болалар мириқиб дам олишди. Соғликларини тиклашди, уларга 47 хизматчи меҳр ва эътибор кўрсатди.


Майдони олти гектарлик оромгоҳнинг ўз томорқасида етиштирилган сабзавот ва мевалар болаларга дармондори бўлди. Уч минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар сояси болаларга салқин ва хушхаво улашди.

ТҮРТ ОЁҚЛИ ЖҶЖА

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманилик Ҳамид Ражабовнинг шахсий хўжалигида ғалати ҳодиса бўлди: унинг товуғи 4 оёқли жўжа очди. Қаранг-а, битта тухум ичидан чиққан тўрт оёқли сариқвой туғилибоқ йўрғалаб кетса бўлади-ми. Унинг 2 та оёғи сира ҳам ортиқчалик қилмаётир. Тўғри, бу "тўртоёқ" ҳам чарчаган вақтларида бошқа турдошларига ўхшаб орқа оёқларини кўтариб бироз дам олади.

Ҳамид аканинг кўшнилари мана шундай 4 оёқли жўжаларни кўпайтириш орзусида, чунки улар ҳар бир товуқдан 2 тадан эмас, 4 тадан товуқоёқ сотиб бойишни ҳаёл қилишяпти.

Лекин табиат бу каби ғаройиботларни кўпайтираверишни ис-тамайди.



Табиат


ЕР БЎЛАКЛАРИ ҲАРАКАТЛАНГАН
ВАҚТЛАРДА НИМАЛАР СОДИР БЎЛАДИ?

Ер шари ичидаги бўлақлар (плиталар) ҳаракатланиб туради. Ер лахтақлари бири-бири томон силжиганида қобиқ аста-секин йиғилади ва букланади. Бу буклов (бурма-малар) тоғларни ҳосил қилади. Ҳиндистон билан Осиёнинг мана шундай "тўқнашув" натижасида улкан тоғ занжири - Ҳимолай пайдо бўлган.

Плиталар бири-бири томон силжиганда Ер қобиғида босим ортиб кетади. Агар бу босим жуда ортиб кетса, у ердаги тоғ жинслари ноҳос силкинади ва бу ерда зилзила пайдо қилади. Бу ҳодиса Ер қимирлаши

ёки зилзила деб юритилади.

Вулқонлар одатда плиталарнинг чеккасида пайдо бўлади ва ўша жой Ер қобиғининг энг заиф жойлари ҳисобланади. Ёнган тоғ жинслари бу ерда юқорига осон отилиб чиқади. Вулқон отилиши ана шундай содир бўлади.



ТЕСТ ВА САВОЛЛАР:

1. Ернинг энг чуқур жойи: а) океан туби; б) кўл туби; в) тоғ шахтаси) ҳисобланади.
2. Куйидаги қайси шаҳарлар мунтазам Ер силкинишларидан озор чекади: Париж; Сан-Франциско; Сидней.
3. Океан тубида вулқон отилиши мумкинми?
4. Дунёдаги энг баланд тоғнинг номи нима?

БИЛИБ ОЛИНГ

Ер қобиғининг қалинлиги тахминан 64 км. Агар Ер шарининг футбол тўпи деб фараз қилсак, унда Ер қобиғи почта маркаси қалинлигича келади.

Физика

ТАЖРИБАСИЗ ЧЎМИЛУВЧИЛАР

Тажрибасиз одамлар сувга шўнғиётган вақтларида оддий бир физик ҳодисани унутиб қўйганлари боисдан катта хавф-хатарга дуч келадилар, гоҳо ҳалокатга учрайдилар. Бу физик ҳодиса - нурни сувда синиш қонуниятидир. Ахир сувдаги синиш ҳодисаси туфайли сув остидаги ҳамма нарсалар асл чуқурлигидан анча юқорида кўринади.

Ҳовуз, дарё, сой каби ҳамма сув ҳавзаларининг туби аслидагидан учдан бир қисм юқорида кўринадилар (масалан, 6 метр чуқурликдаги туб 4 м., уч метрлик тубдаги буюм 2 метр чуқурликда кўринадилар ва ҳ.) Мана шу алдоқчи кўринишга алданиб, баъзи одамлар кўпинча хатарли аҳволга тушиб қолишади. Буни ай-

ниқса болалар ва бўйи паст одамлар яхши билиши зарур.

Ҳаммасига сабаб - ёруғлик нурларининг синиши. Стакандаги сувга солинган алюмин қошиқни ўз ўрнидан анча юқорида кўрсатадиган оптика қонуни ҳовуз ва бошқа сув ҳавзаларида ҳам амал қилади.

Сиз бунга ўзингиз мана бундай тажриба ўтказиб ҳам ишонингиз мумкин.


Ўртоғингизни стол ёнига шундай ўтказинг, у стол устидаги косаларнинг тубини кўролмасин. Сўнг косага танга ташланг. Тангани коса деворлари тўсиб қолади. Кейин ўртоғингизни қимирлатмай коса ичига қаратиб туриб, косага сув куйинг. Ғалати ҳолат юз беради. Бўш коса тагида кўринмай турган танга

дўстингизга кўринади. Кейин сўргичда косадаги сувни олиб ташланг, танга яна кўринмай қолади.

Энди 3-расмга эътибор беринг: идиш тубининг т қисми идиш ёнида турган кузатувчи кўзи (А нуқта)га юқорироқда кўтарилган ҳолатда кўринади. Чунки сувда ёруғлик нурлари синиб, сувдан ҳавога кўтарилади ва кўзга тушади, шу сабабли идиш тубининг т қисмидан таралган нур давомидаги кўз т ни кўради.

Нур қанча эгик бўлса, т шунча юқорида кўринади. Мана шу қонуният сабабли рўбарўдаги сувдаги қайиқ кўзимизга катта кўринади. Суйри сатҳ (денгиз)даги кемалар эса кўздан узоқлашгани сари кичрайиб боради.

Шундай. Ҳовуз туби бизга бўртиқ бўлиб кўринади. Аксинча, агар биз ҳовуз (ёки дарё) тубига тушиб, шу сув устидаги кўприкка қарасак, у қавариқ шаклда кўринади. Бу ҳолда ёруғлик нурлари заиф синувчи муҳит - ҳаводан нур кучли синувчи муҳит - сувга ўтиш, шунинг учун натижада сувдан ҳавога ўтган нур синишидан аксинча кўринади.



Дунёдаги барча жонзотлар ичида фақат инсонгина онгли деб ўйлаймиз. Бироқ яна бошқа шундай жонзотлар ҳам борки, уларга ҳам Аллоҳ ақл ато этган, дейишга асос бор. У - дельфинлардир.

Дельфиннинг миясида одам миясидагидан ҳам кўп бурмалар бор. Чўкаётган кўплаб одамларни дельфинлар қутқариб қолиши уларнинг ақли эканлигини кўрсатади. Дельфинларнинг "тили" борлиги ҳам уларнинг ақли эканидан далолатдир. Бу "тил" воситасида дельфинлар кўплаб ахборотларни бири-бирларига етказадилар. Агар одамлар бу "тил"ни ўрганиб олсалар, океанларнинг кўп сир-асорлари бизга аён бўлар эди.

Кўплаб олимлар дельфинлар "тили"да хос талай қонуниятларни кашф этдилар. Денгиз донолари бири-бири билан "гаплашиш"да юзлаб товушлардан фойдаланар эканлар. Қизиги шундаки, биз

инсонлар ўзаро суҳбатларда ана шунча сўзлардан фойдаланамиз. Мутахассислар дельфинлар "тили" ҳам одамлар нутқиға ўхшаб тузилишини аниқладилар. Яъни, улар ҳам товушлар, бўғинлар ёрдамида сўзлар тузар экан. Ана шу сўзлар воситасида гаплар қуришини сездилар.

Афеуски, ҳозирча дельфинлар "тили"ни инсон тилига таржима қилишга муваффақ бўлинганича йўқ. Модомики, биз дельфинлар билан гаплашиб, фикр алмашина олмас эканмиз, улар билан сезги, туйғу орқали "гаплашиш" мумкин эмасмикин?! Ахир мусиқа, расм, рақс кабиларни ҳамма халқлар бирдек тушунадилар-ку! Ванкувер ороли билан Канада со-


ҳилларида махсус концертлар уюштирган ташаббускорлар ана шундай фикрда. Кемалар палубаларига мусиқачилар чиқиб, баланд товушда гитара ва бошқа электрон мусиқа асбобларида куй чалишди. Тезда томошабинлар, тингловчилар пайдо бўлди. Улар палубада эмас, балки сувда тизилиб турар ёки лапанглаб мусиқаларга мос равишда тебранарди. Аслида концертлар дельфинлар учун махсус уюштирилган эди.

Мусиқа янтрагач, аввал сув юзида дельфинларнинг сузгичлари пайдо бўлди, кейин сув остига ўрнатилган микрофонларга уланган наушниклардан сув тубида пайдо бўлган гимирлаш, чийиллаш, ор-

тидан ғалати қўшиқ эшитилди...

Кемадан таралган ҳар бир мусиқий жумлага сув остидан "жавоб" қайтарди - Одамлар билан дельфинлар шу тариқа бири-бирлари билан бир неча соат "суҳбатлашди"лар. Бундай мусиқий суҳбатлар бир неча ой давомида ҳар куни бўлиб ўтди.

Насиб этса, яқин келажакда "Дельфинлар билан гаплашиш мумкинми?" деган саволга ижодий жавоб олиш мумкин.



Буни билишингиз керак

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АТРОФ-МУҲИТНИ
ИФЛОСЛАШДАН САҚЛАШ МУМКИН?

Атроф-муҳит ифлосланишини камайтирувчи омиллардан айримлари мана булар:

А. Электр қувватини тежанг. Уларни ишлатишга зарурат бўлмаган вақтларда ўчириб қўйинг.

Б. Пиёда бориш мумкин бўлган жойларга машинада борманг.


Шу йўл билан сиз машинадан заҳарли газ чиқишининг олдини оласиз. Биласизки, бу газ ер ва ҳаво исиб кетишни, кислота ёмғир ёғишига сабабчи бўлади.



В. Фосфати йўқ кир ювиш порошоги (толқони)дан фойдаланинг.

Вилка ва ҳожатхоналарни, раковинани тозалашда иложи борича ювувчи кимёвий воситалардан камроқ фойдаланинг.

Чунки барча ювувчи воситалар сувни ифлослантиради.



Д. Ахлатни ерга эмас, ахлат яшиқларига ташлашни одат қилинг. Иложи борича пластмасса идишларда қадокланган маҳсулотни эмас, балки шиша ва бошқа қаттиқ воситаларда, картош ва қоғозга ўраб-қадокланган маҳсулотларни сотиб олинг. Бундай идишларни тозалаб, қайта ишлатишдан эринманг.

Бўшагач, шиша ва қаттиқ идишлардан яна фойдаланиш мумкин. Пластмасса идишлар, полиэтилен халталар эса ҳар ерда қолиб кетади. Энг ёмони, улар офтобда эриб, тупроққа шимилади ва ўша жойда қотиб қолади. Бу тупроқда кейин ҳеч нарса ўсмайди. Ҳам атроф булғанади, ҳам пулингиз исроф бўлади.



Ёш иқтисодчи.

ДЕЛЬФИН БИЛАН
ГАПЛАШИШ МУМКИНМИ?

инсонлар ўзаро суҳбатларда ана шунча сўзлардан фойдаланамиз. Мутахассислар дельфинлар "тили" ҳам одамлар нутқиға ўхшаб тузилишини аниқладилар. Яъни, улар ҳам товушлар, бўғинлар ёрдамида сўзлар тузар экан. Ана шу сўзлар воситасида гаплар қуришини сездилар.

Афеуски, ҳозирча дельфинлар "тили"ни инсон тилига таржима қилишга муваффақ бўлинганича йўқ. Модомики, биз дельфинлар билан гаплашиб, фикр алмашина олмас эканмиз, улар билан сезги, туйғу орқали "гаплашиш" мумкин эмасмикин?! Ахир мусиқа, расм, рақс кабиларни ҳамма халқлар бирдек тушунадилар-ку! Ванкувер ороли билан Канада со-

ҳилларида махсус концертлар уюштирган ташаббускорлар ана шундай фикрда. Кемалар палубаларига мусиқачилар чиқиб, баланд товушда гитара ва бошқа электрон мусиқа асбобларида куй чалишди. Тезда томошабинлар, тингловчилар пайдо бўлди. Улар палубада эмас, балки сувда тизилиб турар ёки лапанглаб мусиқаларга мос равишда тебранарди. Аслида концертлар дельфинлар учун махсус уюштирилган эди.

Мусиқа янтрагач, аввал сув юзида дельфинларнинг сузгичлари пайдо бўлди, кейин сув остига ўрнатилган микрофонларга уланган наушниклардан сув тубида пайдо бўлган гимирлаш, чийиллаш, ор-

Айтинг-чи, сиз учун ҳаётда энг зарур нарса нима? Қаерсиз яшашнинг сира иложи йўқ? Сизни ҳамisha қаерда суядилар ва кутадилар? Неча ёшли бўлишидан қатъи назар одам нимаси бўлмаса яшай олмайди? Тўғри ўйладингиз: биз уй ҳақида гапираямиз. "Ўз уйим-ўлан тўшагим" деб бежиз айтмайдилар. Кулбами, кошонами - барибир уйни Ватан дейдилар.

Одамларга ўхшаб пулга ҳам уй керак. Пул учун махсус уйни - Банк дейдилар. Халқда уй - эгаси билан обод, деган мақол бор. Банк ҳам ўз эгаси пул билан обод. Пул бўлмаса, у ҳам барбод бўлади. Демак, пул - банкнинг эгаси!

Уй - сиз учун қандай маскан? - У сиз кириб-чиқадиган, ўзига хос яшайдиган, сиз билан нималардир содир бўладиган жой.

Пул учун банк ҳам ўшандай. Агар кимдир банкни пул омбори деб ўйласа, хато қилади. Ўйлаб кўринг: ахир уйингиз омбор эмаску! Пулнинг уйи ҳам шундай.

Сиз яхши биласиз (биз газетамизда бунинг тарихини ёритганмиз) банк атайин одамлар ва фирмаларнинг бўш турган ортиқча пуллари йиғиб олиб, пулга муҳтож кишиларга вақтинча бериб турадиган жой.

Уйлар ҳам ҳар хил бўлади: улуввор, кўркам-кошона уйлар: яна бўлади оддийгина, сипо қурилган - жўн уйлар. Одам яшамаса, уйлар вайронага айланиши ҳам мумкин.

Шунга ўхшаш, банклар ҳам хилма-хил бўлади: катта, қудратли Давлат банклари ёки камтарона тижорат банклари, хусусий банклар...

Давлат банкларини давлат ташкил этган бўлади ва унинг фаолиятини давлат бошқаради. Якка шахслар ёки кишилар гуруҳи, ё бўлмаса фирмалар ўз тижорат банкларини очиши мумкин.

Яқин-яқин вақтларгача мамлакатимизда ягона банк - давлат банки ҳукмрон эди. Истиқлолга эришгач, энди бу борада ҳам халққа эркинлик берилган. Республикамизда ўнлаб хусусий тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ уларнинг ҳаммаси Республика Марказий банки тасарруфида бўлади.

Агар сиз ҳам ўз банкнингизни очмоқчи бўлсангиз, албатта Республика Марказий банкдан Лицензия олишингиз даркор. Лицензия - бу фаолият кўрсатишга рухсатнома дегани.

ПУЛ САНДИҚДА КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛАДИ, БАНКДА ЭСА ЎСАДИ

Лицензия миллион сўм пули бор шахсларгагина берилади, акс ҳолда минг сўми бор кишилар ҳам банк очган бўларди. Бу одамларни чалғитади, иқтисодийни чигаллаштиради. Бундай оврагарчиликлар бўлмаслиги учун Марказий банк тижорат банклари очиш ишида ўзига хос қаттиқ талаблар қўйган. Айни вақтда хусусий-тижорат банклари фаолияти ҳам ўзига хос қонун-қоидалар асосида олиб борилади. Қайсидир банк бу қоидаларга амал қилмаса, уни Марказий банк ёпиб қўйиши ҳам мумкин.

Бироқ Марказий банкнинг асосий иши: пул эмиссиясидир. Нотаниш сўз-а?! Ҳозир изоҳлаб берамиз.

Банк муомалага янги купюра (қоғоз пул)лар чиқариб туради. Бу мамлакатда пулнинг мунтазам ҳаракатини таъминлайди. Мана шу ҳолат пул эмиссияси дейилади.

Ҳаётда банклар йўқ деб, тасаввур қилинг. У ҳолда пулни қутилларда, сандиқда сақлаймизми? Бундай қилиш ўта бемаъниликдир.

Чунки, биринчидан, сандиқда ётган пул зерикади, захлайди, бора-бора кучсизланади (ҳаётдаги қиймати ҳам пастлаб, қадрсизланиб қолади). Банкда эса пул ўз уйида бўлгани учун ҳаракатда бўлади - ишлайди, фаоллашади, кўп нарсалар харид қилади ва б.

Пул қандай ишлашини англаш учун у уйида - банкда қандай яшаши, яъни банк қандай ишлашини яхши тушуниб олиш керак бўлади.

Сиз уйда қанақа яшашингизни билмаймизу лекин банкда ҳам жуда қаттиқ мантиқли қонун-қоидаларга риоя қилинади. Буни тўғри тушунинг. Сиз ўзингизни вақтинча бўш турган пулнингизни банкка келтирдингиз. Бу - омонат дейилади. Демак, сиз ўз омонат пулнингизни банкда яшаб туриш учун келтирдингиз.

Пулнингизни талаб қилиб олинган омонат шаклида топширишингиз мумкин. Бу - ўзингиз истаган вақтда келиб пулнингизни қайтариб олиб кетавериш шарти билан банкка топширдингиз дегани.

Ёки банкка келиб, "Мана пул. Мен уни уч (5 ёки 10) йилдан сўнг оламан" дейишингиз мумкин. Буни муқаддатли омонат дейилади. Бундай омонат банкни хурсанд қилади, чунки у сизнинг пулнингиздан узоқ йиллар бўйи фойдаланиши мумкин. Қайтаришда эса пулнингизни кўпайтириб қайтаради.

Омонатингизни топшираётганингизда банкда сизга ҳисоб рақами очадилар, яъни аниқ шахсдан олинган пул ҳисоб рақамини очадилар.

Агар банкда пуллари қопларга жойлаб сақланган бўлса, бу қопларни қўйишга жой қолмаган бўларди. Унинг устига мамлакатда - халқнинг қўлида айлангиргани нақд пул етишмай қолган бўларди. Шунинг учун ҳам банкда пулни қоғозларга ёзиб, ахборот тарзида сақланилади. Яъни, кимнинг пули қанча экани, олганидан сўнг қанча қолгани, кимга неча сўм берилгани ёки кимнинг банкда қанча сўми қолгани, кимга неча сўм берилгани ёки ким банкдан қанча қарздор-

лиги махсус варақларга - ҳисоб рақамларига ёзиб қўйилади. Шу тариқа нақд пул нақд бўлмаган пулга айланади. Нақд бўлмаган пул қоғозда акс этади. Бу жуда қулай.

Шундай қилиб, ҳисоб - банкдаги нақд омонат ҳақидаги ахборотдир.

Энди сиз ўзингизни шунчаки оддий бир шахс деб эмас, балки бирор корхона ёки фирманинг вакили деб ҳисобланг. У ҳолда банк бу корхона ёки фирма учун очадиган ҳисоб рақамини ҳисоб-китоб рақами дейдилар. Чунки у корхонанинг бошқа корхоналар билан ўзаро олди-бердиларини ҳисоб-китоб қилишга жуда ҳам қулай.

Нақд пул ишлатмай, яъни ҳисоб-китоб рақами орқали жуда кўп корхоналар ўзаро муомалада бўладилар. Бундай молиявий алоқани дунёнинг у чеккасидаги корхона билан бу четдаги фирма ўртасида ҳам бемалол ўрнатиш мумкин. Бунда қошлаб, баъзан эса... вагонлаб нақд пул (қоғоз)ларни у ёқдан бу ёққа ташиб юришга ҳожат қолмайди. Қаранг-а: ҳам ёқимли, ҳам мантиқан тўғри, ҳам осон!

Пуллар қандай яшайди, яъни қандай ишлайди?

Масалан, сиз уй қурмоқчисиз, лекин пулнингиз йўқ. Шунда сиз банкка борасиз-да, "Илтимос, менга кредит беринг!" дейсиз.

Кредит - бу банкдан қарзга олиниб, маълум муддатдан сўнг ортиғи билан қайтариладиган пул, яъни қарз дегани.

Шунда банкда сизга: "Энди сиз бизнинг қарздорсиз" дейдилар. Тўғри айтишади, чунки маълум банк фоизи (проценти) тўлаш шарти билан банкдан кредит сўраган шахс ёки корхонани қарздор дейдилар.

Фоизга пул олиш дегани - нима дегани? Бу - олган пул миқдоридан кўпроқ пул қайтариш дегани. Қарздорлик қисмати шундай... Бироқ банк ҳам бераётган пули устига фоиз қўймаса, яшай олмайди. Ахир банк биноси, унда ишлайдиган ходимлар учун маош, электр, компьютер, иш қоғозлари - мана шуларга банк қаёқдан пул топади?!

Банк ўз мижозлари орасидан бойроқ мижозни топиши ҳам мумкин. У кучсиз мижозга қарзини қайтариши учун пул бериб туриши мумкин. Бундай бойроқ мижозни воситачи дейдилар.



СУВ, ҲАВО ҚАСИДАСИ

Халқимизда нақл бор бир:
Сув ва ҳаво энг зарур.
Уни асраган инсони,
Доимо азиз бўлур.

Сув ҳаётнинг манбаи,
Ҳаво унинг зийнати.
У бизга бир тан, бир жон,
У - табиат неъмат.

Сен қилма исроф уни,
У ҳаётнинг мазмуни.
У билан сен тириксан,
Асра-авайла уни.

Доно боболаримиз
Ўғит берарлар ҳар кез:
"Сув ва ҳавони асранг,
У билан биз тирикмиз".

Бир ўғитга сол қулоқ,
Амал қил унга ҳар чоқ.
Сен унга амал қилсанг,
Мартабанг бўлар пештоқ.

Ҳар вақт сув, ҳаво билан,
Тирикдир барча бир жон.
Доимо баҳра олиб,
Яйраб ўсар ҳар қачон.



ЭРТАЛАБКИ НОНУШТА

Эрта тонгда тураман,
Юз-қўлимни юваман.
Секин бориб опамни,
Уйқудан уйғотаман.

Дейман: "Опа, вақтлироқ"
Соғиб келинг сигирни.
Дадам, ойим уйғонмай,
Пиширай мен сут чойни"


Дейман Дилсорахонга:
Ювинг чойнак-пиёла.
Сира қолмасин гарди,
Бўлманг мисоли лола.

Нонуштани тайёрлаб,
Уйғотаман дадамни.
Қўларига сув қуйиб,
Сўнг тутаман сочқни.

Ойим ёзар дастурхон,
Қўяди энг аввал нон.
Сўнг эса дастурхонга,
Тортилар ёвли сут чой.

Мен пиширган сут чой-чи,
Ҳаммага ёқиб қолди.
Сўнг кафтин очиб дадам,
Ҳаққимга дуо қилди:

"Сут чой маза бўлибди,
Раҳмат, қизим, кам бўлма.
Ўзинг ҳам сут чойингдек,
Ҳаммага манзур бўл-га"



Дилдора АЗИМОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
4-мактабнинг
6-"А" синф ўқувчиси.

Изҳор

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТ БЎЛМОҚЧИМАН

Ассалому алайкум. Исмим - Ҳилола, фамилиям Саидова. 1985 йили Тошкентда туғилганман. Биламан, сиз нима учун Қарши шаҳридан келган мактубда Тошкентда туғилганман деганимга ажабланаётган бўлсангиз керак. Ойижоним билан адажоним Тошкентга қариндошимизникига борган эканлар, шунинг учун мен ўша ерда туғилган эканман.

Биз ҳозир Қаршида турамыз.

Мен она Ватанимни, мактабимни менга таълим бераётган ўқитувчиларимни, ота-онамни, қолаверса, менга яқин бўлиб қолган дўстларимни жонимдан ортиб кўраман. Менга инглиз

тили, география, она тили, адабиёт, алгебра, биология фанлари ёқади. Шу фанлардан кирувчи устозларим дарсларни қизиқарли ўтадилар. Менинг иккита чевар опаларим, битта акам ва келинойим бор. Ойижоним Гўзал номли 7-болалар боғчасида ҳамшира бўлиб ишлайдилар. Адажоним эса вилоят меъморчилик ва қурилиш Давлат назорат инспекциясида ишлайдилар. Мен ёшлигимда боғчага борганман. Биринчи синфда 5-ўрта мактабда ўқиганман. Сўнг Камадига кўчиб борганимиз сабабли Абдулла Қаҳҳор номли 27-

ўрта мактабга қабул қилиндим. Ҳозир шу мактабда таҳсил оляпман. Бизнинг мактабимизда Раъно Кенжаева инглиз тилидан жуда яхши дарс ўтадилар. Шу кишининг қаторларига мен Ибодова Сожида муллимимни ҳам қўшаман. Аслида ҳам ўқитувчим яхши дарс ўтадилар. Бизнинг синф раҳбаримиз Холиев Жўра ака. У кишининг мендан умидлари жуда катта. Катта бўлсам журналист бўлиш ниятим бор, инглиз тили бўйича. Мактубимга сарлавҳа қўйишни илтимос қилардим.

Ҳилола САИДОВА,

Қарши шаҳридаги Абдулла Қаҳҳор номли 27-ўрта мактабни 7-"Ж" синф ўқувчиси.

О, БОЛАЛИГИМ...

Болалигим, сени қайдан излайин?
Болалик, сени қайларга сўзлайин?
Болалик йилларим - қимматли йиллар,
Кўз очиб юмгунча кетиб қолдинг сен.

Сен - тошқин чоғларим оқиб кетдингми?
Ёки ҳавода сен учиб кетдингми?
Ёки ўз вақтингда кетиб қолдингми?
Болалигим менинг, ўт болалигим!



Гулжаҳон Элмуродова,

Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги 19-ўрта мактабнинг 7-"В" синф ўқувчиси.

ҚУЁНЧАМ

Менинг қуёним ола,
Кўзлари-чи, тим қора.
Дикир-дикир ўйнайди.
Сабзиларни қўймайди.



БОБО ҚУЁШ

Бобо қуёш тонгда уйғонар,
Табиат ҳам меҳридан қонар.
У бор - оламдан чароғон бўлар,
Тирик жонзот қувончга тўлар.

ОНА ЧУМЧУҚ

Чўмчуқ чирқ-чирқ қилади,
Буғдой учун елади.
Увол бўлмасин дейди.
Полаларни ейди.



СЕРОБ БЎЛСИН СУВ

Сув - ҳаётда ҳисобланар дур.
Ифлос қилма, қилмагин лойқа.
У ҳаводек оламга зарур,
Сероб бўлсин ер юзида сув.



ЖАҲЛДОР ҚУРБАҚА

Тутолмасдан капалак,
Ўтирар жони ҳалак,
Шунинг учун қурбақа
Қилар доим вақ-вақа.



БУЛУТ

Қора булут қопадаи
Кўм-кўм, тиниқ осмонни.
Ёмғир қуйиб бопадаи,
Суғорди экинларни.



Нилуфар Маъмурова,

Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги
Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази-
нинг "Ёш қаламкашлар" тўғараги аъзоси.

УСТОЗ

(ўқитувчим Саодат Аминовага бағишлайман)



Алифбени - "а" ҳарфини ўргатган,
Дилда орзу, қалбда қувонч уйғотган,
Бизга илм чироғини ёритган,
Ҳар доим бор бўлсин, устоз муаллим.

Муаллимсиз инсон учса фалакка,
Вақти кетар бекорга ҳам ҳалакка,
Жафо этиб не этади юракка,
Ҳар доим бор бўлсин, устоз муаллим.

Гар дунёда бўлмасайди муаллим,
Инсонларга ким берарди кўп таълим,
Муаллимдан чиқар шифокор, олим.
Ҳар доим бор бўлсин, устоз муаллим.

Муаллим шаънига битаман дoston,
Инсонлар интилиб ўқиғай ҳар он.
Муаллим қалбларга сабот, ҳам посбон,
Ҳар доим яшасин, устоз муаллим.

Акмал Шотўраев,
Қашқадарё вилояти, Муборак туманидаги
"Гулистон" жамоа хўжалиги.

БОЙЛИКНИ - БОЙЛИК ЧАҚИРАДИ

Сиз дунёдаги энг бой одам Билл Гейтс эканини яхши биласиз. У "Майкрософт" корпорациясини бошқаради. У бойлигини биргина ўтган йилнинг ўзида 2 баравар кўпайтиришга эришди. Яъни, бугун Гейтснинг ҳисобида 90 миллиард доллар маблағи бор.

"Форбе" журналида эълон қилинган дунё бойлари рўйхатида Гейтснинг номи биринчи ўринда туради. Бу рўйхатда 465 кишининг номи бор. Унда Гейтсдан кейин - иккинчи ўринда турган Уоррен Бадофетнинг бойлиги - 36 миллиард доллар.

Сайёрамиздаги бойвачча хоним Лилиан Беттакурга 13.9 миллиард долларлик мерос қолган. Беттакурнинг миллати - француз. У меросини кредитга

беришдан келадиган "фоиз"лар эвазига ҳам бой-бадавлат яшайди.

"Форбе" журналида "Ишламайдиган бойваччалар" номи рўйхат ҳам бор. Унда қироллар, қироличалар ва диктаторларнинг исми шарифлари бор. Ишламайдиган бойлар рўйхатининг бошида Брунея султони-нинг номи турибди. Кейин Саудия Арабистони, Абу-Даби, Қувайт, Дубай, Нидерландия хукмдорлари... Буюк Британия қироличаси эса бу рўйхатда ўнинчи ўринда.

Шунақа, бу дунёда

ҳамма ишнинг ва ҳамма-нинг ҳаёти, фаолияти, ҳатто бисоти - кафтдаги-дек аён барчага...



ОТАСИНING ҚИЗИ - ЛАЙЛИ РИНГГА ЧИҚМОҚЧИ

Дунёнинг энг зўр боксчиси Муҳаммад Алининг 21 яшар қизи Лайли боксчи бўлишга аҳд қилди. У ўзининг хушбичимлиги, гўзаллиги ва бошқа имконларига кўра кино юлдузи бўлиши мумкин эди. Қолаверса, у Лос-Анжелесда шундоққина Голливуд яқинида яшайди. Бироқ қизгина ўз умрини отасининг касбини улуглашга бағишламоқчи эканини эълон қилди.

Лайлига харидор мамлакатлар кўп. Америка эса аёллар бокси бўйича дунёда етакчилик қилиш иштиёқида. Бироқ Лайли ўзга давлатларга сўз бермаяпти. Бокснинг ўзига хос азобларини ҳам яхши биладиган Муҳаммад Али қизини бу йўлдан қайтаришга кўп уринди, лекин фойдасиз бўлди.

Лайли, мана саккиз ойдирки, бокс билан қаттиқ шуғулланаётир - машқ қилаётир. У ўрта вазнлилар орасида яқин орада жаҳон чемпиони бўлажagini ҳам олдиндан башорат қилди.



БИЛИМ ОЛИШ - ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Аргентиналик Консепсьон Хименес буви яқинда 110 ёшга тўлди. Лекин у батамом саводсиз эди. Чунки у шаҳардан 180 км узоқликда жойлашган қишлоқда яшарди. 12 фарзанд кўрди. Уларни оқ ювиб-оқ тарари. Болаларини шаҳарга юбориб ўқитди. Лекин ўзи... гоҳо омилигидан ўксинар эди.

Яқинда онахоннинг 56 яшар ўғли Леон онасининг орзусини рўёбга чиқаришга аҳд қилди. У 110 ёшли "буви"нинг саводини чиқариш учун уйга муаллимларни таклиф этди. Муаллимлар уч кунда бир марта келиб кампиршони ўқитишмоқда. "Устоз"ларни айтишларига қараганда, кекса ўқувчи Консепсьон фанларни аъло ўзлаштирмоқда.



ДИОКСИН МОДДАСИ - ОДАМЛАРНИ САРАТОН КАСАЛЛИГИГА ДУЧОР ҚИЛАДИ

Оммавий ахборот воситаларида хабар берилишича, Япония атмосфераси диоксин моддасини тарқатишда ҳам биринчи ўринда тураркан. Маълумки, бу захарли модда инсон организмни саратон (рак) хасталигига мубтало этади.


ДЕНГИЗДА СУЗУВЧИ „КЕЛАЖАК ШАҲРИ“

Араб амирликлари денгизда сузувчи улкан "Келажак шаҳри"ни қуришга қарор қилдилар. Бу "шаҳар" улкан кема бўлиб, сузиб юради. Кеманинг узунлиги 1,5 км, эни 0,25 км бўлиб, у 25 қаватли бўлади. "Сузувчи шаҳар"да 17 мингта маъмурий ва турар-жой бинолари қад ростлайди. Уларга жами 40 минг аҳоли жойлашади. "Шаҳар"нинг ўз аэропорти, 500 кишилиқ шифохонаси, болалар боғчаси, мактаби, олий ўқув юрти, дам олиш масканлари, кутубхона, дўконлари ва ҳатто ўз полиция хизмати бўлади.

РОССИЯНИНГ ҚАНЧА ОЛТИН ЗАҲИРАСИ БОР?

Россиянинг давлат олтин заҳираси 500 тонна соф, қуйма олтин бўлиб, у Қимматбаҳо тошлар ва металллар Давлат фондида сақланади. 1978 йилдан бошлаб давлатнинг олтин заҳираси миллий валютаси қиймати-га нисбат берилмаса-да, у мамлакатнинг тўлов қобилиятини кўрсатади, ўзаро ҳисоб-китобларда кафолат мулки вази-фасини ўтайди.

Россияда бу олтин заҳирасини фақат президент тасарруф этади. Россия тупроғи олтин конларидаги олтин заҳираси бўйича дунёда 2-ўринда туради. Бироқ бу АҚШ олтинидан 20 марта, Германия ва Швейцария-никидан 5 баравар оз.



Собиқ СССР ҳукумати фақатгина 1970-1980 йиллар орасида четга сотган олтин (барча иттифоқдош республикалар тупроғидан қазиб олинган) 5000 тоннадан ортиқ.

"1991 йилда биз олтин заҳирамининг ярмидан жудо бўлдик", - деб ёзади "Аргументы и факты" газетаси (25 июнь, 1999й.)

Азиз ёш иқтисодчилар! Ўйлаб кўринг: 1991 йили ижтимоий ҳаётда қандай оламшумул воқеа содир бўлган эди? Тўғри, балли! Шўролар ҳокимияти ёрилиб, ўрнида 15 мустақил республика ташкил бўлган. Демак, Россия ҳисобиде юрган олтиннинг ярми энди ўз эгалари қўлида қолган...

ОВҚАТ ЕМАС - ФАРИШТА

Етмиш икки яшар Кордейру да Сильва дунё олимларининг эътиборида. Ҳамма ҳангу-манг. Нега десангиз... У овқат емайди ҳам, суюқлик ичмайди ҳам.

Кордейруни қишлоқдошлари Лау ҳам дейдилар. Бу - "туя одам" дегани. Лау 2 марта уйланган, 23 боласи бор. Ўзи Бразилияда яшайди. Шу ёшгача касал бўлмаган. Шифокорларнинг қистови билан

қориндан 2 марта операция бўлган.

Лауни 2-хотини бир неча вақт манго шарбати аралаштирилган сут ичишга кўндирган. Лекин Лау таъбирдан ўқмайди. У мутлақо тамадди қилмайди. Сиз балки Лау одамлардан яширинча овқатланар, деб ўйларсиз. Мутлақо. Ахир у ҳожатхонага ҳам бормайди-да!

Нега бундайлиги Аллоҳнинг ўзи билади. Балки Лау - фаришта-лар зотидандир...




БАДАВЛАТ ЯПОНИЯ

Япония - ҳамон дунёда бошқа мамлакатларга энг кўп қарз бераётган мамлакат бўлиб турибди. Жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари Япониядан олган қарзларининг умумий миқдори ҳозир 133 триллион иенни ташкил этади. Бу - бир триллион АҚШ доллари дегани. Берилган қарз миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда: биргина ўтган йилнинг ўзида қарз миқдори 7 фоизга ортди.

Қизиги шундаки, Япониядан энг катта қарз олган мамлакат - АҚШ экан.



ЭНГ ҚАДИМГИ КЕМА



Ўрта Ер денгизининг Исроил мамлакатига туташ ҳудудида 300 метр чуқурликда 2 та чўккан кема топилиди. Улар хурмо дарахти ёғочидан ишланган бўлиб, бундан 3700 йил муқаддам сувга чўкиб кетганлиги аниқланди. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳозиргача топишган "чўкма кема"ларнинг энг қадимгисидир.

САДОҚАТ

Садоқат деб киши ўз вазифасини тўғрилиқ ила ишламакни айтулур. Содиқ киши дин ва миллатига, ватан ва давлатига тўғрилиқ ила хизмат қилуб, обрў ва мукофотлар олур. Садоқат гулшани саломат, бўстони нажотдур. Садафдан инжу, илондан захар ҳосил бўлган каби ростликдан фойда, хиёнатдан зарар ҳосил бўлур.

Жаноби Ҳақ содиқларни суяр. Ёлгончиларни суймаз. Тўғрилиқдан йўқолган киши йўқ, хиёнатдан йўқолганлар чўқдур. Ростлик ила хиёнат иккиси жамъ келмас.

Агар бир кишининг дилига тўғрилиқ тухуми экилса, ҳар қанча оч ва сувсиз бўлса ҳам тўғрилиқ ўсар. Хиёнат кўкармас. Ахлоқ юзасидан тўғри фақир ёлгончи бойдан эътиборлидур. Чунки содиқ киши ахдиға вафо қилур. Ёлгончи эса ваъдасида турмай ўзини хижолат, бошқаларни овора қилур.

Садоқат бир файзи маънавийдурки, у файздан хиссасини олмак ҳар бир кишининг муқаддас вазифасидур.

Ҳазрати имом Хусайнға ҳазрати Али: "Сўзингда тўғри бўл, ёлгончилар каби мунофиқ ўлинмассан", - деб насиҳат қилмишлар. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: "Тўғрилиқни ихтиёр қилингиз, агарчи ҳалокат каби кўринса ҳам, нажот тўғрилиқдир. Ҳар қанча нажот каби кўринса ҳам, ёлгондан сақланингиз, zeroки оқибати ҳалокатдур", - демишлар.

Сидку сафойи ростлиг ўлса қаробатинг, Шулдур жаҳонда роҳат, фойз, саодатинг. Оламда тўғрилиқча йўқ одамнинг зийнати, Қалбинг алифдек ўлдими, аини шарофатинг.

Кўли гулнинг пули мўл

ОЁҚ КИЙИМЛАР УЧУН ҚОПЧА



Ҳар фаслнинг ўз оёқ кийими бўлади. Қишда ёзги оёқ кийимларни авайлаб олиб қўямиз. Ёзда қишникини.

Оёқ кийимларни яхшиси қопчаларда асраган маъқул. Қопчани эса ўзингиз тикиб олинг. Унга истаган

материалингизни ишлатишингиз мумкин. Хаттоки, бирорта эски ишлатилинмайдиган қаттиқ матолар бўлса, янаям яхши. Матодан тахминан 60 см.га 40см.ли тўғри тўртбурчак кесиб оласиз. Ўнгини ичига қилиб икки томонини тикасиз. Тайёр бўлган халтачанинг оғиз томонини 2-3 см. қалинликда айлана қилиб тикиб чиқасиз. Тасма ўтказишга тешиқча қолдиришни унутманг.

Тўноғич ёрдамида тасмани ўрнатиб, қопчани ўнгига ағдаринг.

Пазанда

МАҒИЗЛИ КЕКС

Масаллик: 1 стакан бугдой уни, 5 ош қошиқ картошка уни, 2,5 стакан шакар, 1 стакан сарёғ, 8 дона тухум, 1 стакан майдаланган мағиз.


Тайёрлаш: Шакар билан ёғ обдон аралаштирилади. Уларни аралаштириб, биттадан тухумни чақиб уни ҳам бир хил масаллиқ ҳосил бўлгунича хамирга "едири-

лади". Сўнг бу аралашмага ун, крахмал билан майдаланган мағиз қўшиб, яна ишлов берилади. "Пишган" хамирни ичи ёғланган махсус шакл-қолипчаларга солинади. Хамир қолипнинг тўртдан уч қисмигача тўлатилади, холос.

Кекс 210-220 даражали ҳароратда 40-50 дақиқада पिшади.

Тадбир

ЎРИК ҚОҚИ ТАЙЁРЛАШ



Одатда мевалар бир даврда пишадилар ва шохидан тезроқ узиб олмасангиз, тўкилиб увол бўлади. Меваларни консервалашга эса ҳаммининг ҳам имкони бўлавермайди: кимгадир вақт, кимгадир шакар, кимгадир банка-қопқоқ етишмайди, дегандек...

Халқимиз қадим-қадимдан меваларни қуришиб, кишга қоқи тайёрлашни одат қилган. Шу кўнларда гилос, олча, ўрик, олмалардан қоқи солиш мавсуми бошланди. Газетамизнинг ўтган сонидан замонавий техник шароитда қоқи тайёрлашнинг айрим усуллари билан таништирган эдик. Бугунги суҳбатимиз ўй шароитида оддий, хонаки қоқи тайёрлаш ҳақида:

Авалло меваларни 8-10 кг. мева сиғадиган ёғоч ёки пластмасса саватларга териш керак. Иложи бўлмаса, тунука челақларга ҳам териш мумкин, аммо унинг ичига ёғоч қипиғи ёки ўт солишни унутманг.

Ўрик меваси тўлиқ пишиб етилганда узиш лозим. Қуритишдан олдин мевалар яхшилаб сараланиб, ярқисилари олиб ташланади: бир хил катталикдаги мевалар ажратиб олиниб ювилади ва алоҳида-алоҳида қуритилади.

Сараланган ва ювилган мевалар пичокда эҳтиётлик билан чизиги бўйлаб иккига бўлинади, данагидан ажратилади ва тоза ёғоч патнисларга кесилган томони юқорига қаратиб териш чиқилади. Шундан сўнг офтобга қўйилади (агар ўригингиз унча ширин бўлмаса, ҳар бир меванинг пўстлогини пичок ёки тоза миҳ учидан уч-тўрт жойидан тилиш ва уни бир неча соат 1:1 нисбатли қиём (шакар солиб қайнатилган сув)га солиб олиш керак).

Бир-икки кундан кейин офтобда қуритилаётган баргакнинг буралиб қолган жойлари тўғрилиқ, ағдарилади. Ранги чиройли чиқиши учун патнислар сояга - бостирма ёки айвон тагига кўчирилиб, қуритиш шурда давом эттирилади.

Патнисдаги мевага чанг ва ҳашорат кўнмаслиги учун унинг устига таранг қилиб дони тортилади, уч-тўрт кундан сўнг мева баргаклари бирма-бир, оҳиста ағдариб қўйилади. Орадан 7-8 кун ўтгач, қоқилар йиғиштириб олинади ва махсус идишларга териш қўйилади. Қуриган мевалар жигарранг, эти юмшоқ, эластик, ширин, пўсти нозик бўлиши керак.

Айрим тадбиркорлар мевадонни қурт-қумурсқадан асраш учун уларни ярим қуригач, (шарбати сўрилгач) човлига солиб анжир барглари ёки ялпиз қайнатилган сувда бир неча соат сақлаб турадилар ва сузиб олиб, қуритишни давом эттиришади.

Ўрикни данаги билан асрашни истовчилар эса меваларни ювиб бўлгач, пичок билан атрофининг бандидан бошқа қисмини тилиб, уни 2 қанотли қилиб ёрадилар, 2-3 кун қуригач ва анжирбаргли ёки ялпизли сувда чайгач, бош ва кўрсаткич бармоқлар ёрдамида ўрикнинг бу 2 қанотини оҳиста бирлаштириб, яна бутун ўрик шаклига келтиридилар. Сўнг қуритиш одатдагидек давом этаверади.

Ўрикни олтингурут билан дудлаш одати ҳам бор. Бу усулда қоқининг ранги жуда чиройли чиқади, аммо биз бу усулни сизга тавсия этмаймиз.

Қуритилган мевалар тагига шалдирик оқ, тоза қоғоз тўшалган ва 2-3 килограмм кетадиган қилиб, 2-3 қаватлаб секин-аста тахланади. Устидан тагин бир марта шалдирик қоғоз тўшалади ва факер қопқоқ билан бекитилади ҳамда салқин ертўлаларда - махсус тахта стеллажларда сақланилади.

Синоат

ЎЗ-ЎЗИДАН УЧИБ ЮРАД БУЮМЛАР

Сиз табиатдаги сирли ҳодисалар ҳақида кўп эшитгансиз ёки ўқигансиз: учар ликопчалар, бўшлиқда олов ёниши, ҳеч нимадан ҳеч нима ёқ ёниб кетган уйлар, бехосдан эшитилган овозлар, шарпалар, жинлар базми, эчки қиз ва ҳ.

Ана шундай ғайри табиий ҳодисаларнинг бири - баъзан тоқча ёки шкафдаги идишларнинг турган жойида ўз-ўзича қимирлаши, баъзан эса уй ичида учиб юриши, хатто деразадан ташқарига чиқиб кетиши каби ғаройиб ҳодисалар борки, одам уларга ишонини ҳам, ишонмасликни ҳам билмайди.

Бу ҳодисани илмий тилда полтергейст дейилади. Кўпчилик синоатчилар полтергейст ҳодисаси ўз табиатига кўра бошқа ғаройиботлардан фарқ қилишини таъкидлайдилар. Полтергейстда ҳаракатга келувчи буюмлар ғалати хусусиятларга, "характер"га эга. Улар шу даражада исиб кетадиларки, уларга яқинлашиб, уларни ушлаб ҳам бўлмайди. Улар хатто эшик ва дераза тирқишларидан ҳам сиғиб ўта кета олади. Энг таажубланарли томон шундаки, улар ҳавода - ҳеч нарса йўқ жойда ҳам бирданага пайдо бўлиб қолишлари мумкин.

Одатда полтергейст ҳодисаси 12-16 ёш ўртасидаги ўсмирлар кўз ўнгидан содир бўлади. Нега шундайлиги ҳозирча ҳеч кимга аён эмас. Бир назарига кўра, одамнинг мияси мана шу ўсмирлик даврида полтергейст манбаи бўлмиш сирли энергия ишлаб чиқарар эмиш. Бу номаълум қувватни тадқиқотчилар психонинез - ПК дейдилар. ПК - буюмларга тегмай туриб, уларни ҳаракатлантириш, дегани. Агар ПК чиндан ҳам мавжуд бўлса, у ҳолда бу ерда белгиларнинг ахамияти йўқ ва биз фақат психокинетик фаолиқнинг қўшимча самарасини кўрган бўламиз.

Шунақа гаплар! Азиз тенгдошлар, мабодо уйда ёлғиз ўтирганингизда тоқчадаги идишлар ёки қаравотдаги буюмлар ўз-ўзича қимирлаб ё учиб кетса - кўрқиб юрманг. Бу инс-жинсларнинг эмас, балки ўзингизнинг кучга кириб тўлишаётган миангизни кашфи, фаолияти!

Ёдингизда тутинг

ОҚ КИЙИМЛАРНИ ЮВЯНДА...

Кирингизни албатта оқ рангли кирларни ювишдан бошланг.

Кийимларингиз жудаям кир бўлса, уларни хўллаб олинг, дастрўмолчангизни тузли сувда, крахмалланган ёқаларни иссиқ сувда ювинг.

Оқ кийимлар бирмунча муддат тузли, совунли, иссиқ сувда турса осон ва тез тоза бўлади.


Кир ювганда ифлос жойларни яхшилаб ювинг. Сизнинг моҳир қўлларингизсиз, кир ўз-ўзидан ҳеч қачон тоза бўлиб қолмайди.

Совунли сувдан чиққан

кирни аввал иссиқ сувда, мағзаваси кетиши учун, сўнг икки мартаба совуқ сувда чайиб олинг.

Энди кирларни синкалалаш, ёқа ва манжетларни эса крахмаллаш керак. Кирни синкалаб, ҳавода қуриши учун осиб қўясиз. Крахмалланганларини эса тоза сочқика ёясиз.

Оқ рангли кирларни ювган совунли сувда гулли матоларни, кийимларни ҳам ювиш мумкин. Лекин бунинг аксини қила кўрманг. Ёки оқ рангли кийимларни сира аралаштирманг.



ПИНГВИН - ХАЙВОНМИ ЁКИ КУШМИ?



Пингвинлар кушлар туркумига киради. Улар даврлар ўтиши билан ўз қанотидан маҳрум бўлишган. Бироқ бу собиқ қанотлар зўр сузгичларга айланган. Қалин ёғ қатлами пингвинларни совуқдан асрайди.

ЎСМИР БОЛАЛАРНИНГ ОВОЗИ НЕГА ДЎРИЛЛОҚ БЎЛИБ ҚОЛАДИ?



Маълумки, инсоннинг "овози" пайдо бўлиши учун 3 омил даркор. Биринчиси - овоз пайчалари, улар титрайди. Иккинчиси - нафас олиш учун олинган ҳаво; у овоз ҳосил бўлишида овоз пайчаларини титратувчи куч сифатида қатнашади. Ва ниҳоят, овоз бўшлиғи, халқуми ва бурун бўшлиғи. Улар овозни жаранглатувчи омиллар ҳисобланади.

Овоз пайчалари бўғизда жойлашган бўлади. Овоз қаттиқлик, баландлик ва сифат каби белгиларга эга. Қаттиқлик овоз пайчаларини титратувчи ҳаво оқимининг қудратига ва ҳосил бўлган товушнинг кучига озми-кўпми боғлиқ бўлган бўлади.

Пайчалар тебраниши овоз тонини ҳосил қилади. Овоз баландлиги эса овоз пайча-

ларининг тебраниш даражаси, уларнинг қалинлиги ва узоклиги билан боғлиқ.

Ана, сиз овоз қандай ва қаерда пайдо бўлиши ҳақида озроқ маълумотга эга бўлдингиз. Энди маълум ёшлар оралигида ўғил болаларнинг овози нега ўзгариб қолиши сабабларини англайсиз. Ёш боланинг бўғизи (ҳиқилдоғи) кичкина, овоз пайчалари эса калта бўлади. Улар тебранганда қисқа тўлқинлар ҳосил бўлади ва бунинг натижасида - овоз регистри баланд бўлади.

Ўсмирда балоғат белгилари пайдо бўлиши даврида ҳиқилдоқ ўсади, пайчалар чўзилади. Айнан мана шу жараёнда ўғил боланинг овози ўзгаради: у паст бўлиб қолади. Болалар жуда тез ўсадиган ва уларнинг бўғиздаги овоз механизми шу қадар кескин ўзгариб турадики, ўсмир бу ўзгаришларга мослашишга улгурмай қолади ва ўз овозини назорат қила олмайди. Бу ҳолатни одамлар "ўғил болаларнинг овози синди" дейдилар. Бу жараён фақат йигитларда кечади, шунинг учун ҳам эркекларнинг овоз пайчалари аёллариникига қараганда тўртдан бир қисмга узун бўлади. Қизларнинг пайчалари у қадар тез ва куч билан ўсмайди.

Умуман, катта одамларнинг овоз баландлиги овоз пайчаларининг узунлигига боғлиқ, ҳар бир одамнинг аниқ овоз диапазони бор. Ана шунга асосланиб, овозни бас, баритон, тенор, сопрано каби тоифаларга ажратилади.

ТОШ АСРИДА НИМА БЎЛГАН ЭДИ?

Инсонлар ёзишни кашф этган вақтларгача бўлган узун давр тош асри деб юритилади. Ер юзида одам пайдо бўлганига камида 500 минг йил бўлди, бироқ ёзув пайдо бўлганига энди 5 минг бўлди холос. Инсоният тарихи мана шу ёзув пайдо бўлган даврдан ҳисобланади. Демак, бошқача айтганда, тарихгача бўлган давр жуда узок чўзилган.

Одам айнан ўша даврларда турли меҳнат қуролларини яратган ва ўша давр тош асри номини олган. Тош асри илк тош даври (палеолит), ўрта тош асри (мезолит) ва янги тош асри (неолит)га бўлинади.

Эҳтимол, инсонлар томонидан тошлар билан йўниб яратилган илк меҳнат қуроллари улкан тошлардан бўлгандир. Балки шунинг учун ҳам олимлар уларни "қўлбола йўниш" дерлар. Тошдан қиррали (учли) яратилган тош қуроллар ҳам пайдо бўлган. Улар кўп минг йилликлар давомида одамнинг ягона меҳнат қуроли бўлиб хизмат қилган.

Кейинроқ, Муз асрида Оврупода неандерталь одамлар бир мунча такомиллашган меҳнат қуроллари ясашни ўргандилар. У аввалгилардан бир мунча такомиллашган эди. Шунингдек, улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб овга чиқиб, ўзларига ўлжа келтиришни ҳам ўргандилар.

Неандерталь одамлардан кейин кроманьонлар шаклландилар, уларнинг ривожланиш даври ҳам жуда узок чўзилди. Кроманьонлар меҳнат ва ов қуролларининг янги-янги турларини - ооч, тош пичок, найза учини кашф этишди.

Тахминан 6 минг йил муқаддам одамлар ҳаётида кескин бурилиш содир бўлди. Улар дон етиштиришни ўрганишди. Шундай қилиб, янги - неолит даври бошланди.


Инсон чорвачилик билан шуғуллана бошлади, уй ҳайвонларининг терисидан кийим ясаб, уй қуришни ўрганди. Кейинроқ у табиатда тайёр ҳолда учрамайдиган нарсаларни тайёрлай бошлади.

У лойдан идиш ясашни, каноп ва жундан ип йигриб, тўқишнинг машқини олди. Одамлар ўзаро келишиб, ҳамкорликда меҳнат қилишга кўникдилар. Шу тариқа илк қишлоқ ва шаҳарлар пайдо бўлди. Биз бугун цивилизация деб атайдиган жараён ана шундай кечди...



ТОКИОДА МЕТРО ПОЕЗДАРИ

Шу қадар одамлар билан гавжум бўладик, натижада метро раҳбарлари йўловчиларни вагонга итариб киритиш учун махсус ходимлар ёллашга мажбур.




ВЕЛОСИПЕДНИ КИМ ИХТИРО ҚИЛГАН?

Велосипеднинг айлана рулининг ёши минг йилларга тенг эканини тасаввур ҳам қилмаймиз.

Олимлар таъкидлашча, Қадимги Мисрда пиёда одамнинг оёқлари ёрдамида ҳаракатга келадиган икки гилдиракли механизм бўлган. Бироқ, велосипед яратилган деб расман тан олинган сана - 1817 йил. Айнан ўша йили Германияда барон фон Дрез "денди от" деб ном олган механизмни намоиш қилди. Орадан 23 йил ўтгач, шотланд Макмиллан бу механизмни такомиллаштирди: унинг орқа гилдирагига ўқ улади. У бу механизмга ўтириб шунақа тез ҳайдадики, бунақа "қутуриб чопгани" учун

уни ҳатто қамаб қўйдилар. "Велосипед" ("байсикл") сўзи илк бор Францияда 1865 йилда пайдо бўлди. Орадан 20 йил ўтгач, велосипеднинг биз биладиган шакли пайдо бўлди ва у жамоатчилик томонидан тан олинди.




ТРОЛЛЕЙБУСГА "МЎЙЛОВ" НИМА УЧУН КЕРАК?

Биласизки, троллейбус электр токи ёрдамида юрадиган шаҳар транспорти. Унинг ҳавога тортилган симда сирғалувчи штанглари (халқ уларни "мўйлов"и дейди) ичида ток сўрувчи пластинкалар бор. Улар ёрдамида троллейбуснинг судровчи двигатели ток олади.

Шундай, автобус ва трамвайдан устун турувчи троллейбус ток ёрдамида юради. Мутахассислар келажак шаҳар транспорти фақат электротранспорт воситалари - электр двигатели автобус ва троллейбуслар деб ҳисоблайдилар. Улар биринчидан, захарли чиқит чиқармайди; иккинчидан улар трамвайга ўхшаб

ҳаракатни чеклаб қўймайди. Трамвайнинг рельслари кўча ўртасига ётқизирилиши эса шаҳар кўркини пасайтиради.

Троллейбус эса юқоридагидек нуқсонлардан ҳоли, шовқинсиз, озода транспорт воситасидир. Унинг боши узра тепага диккайган "мўйлов"лари эса симлардан электр токини сўриб олиб, трамвайни ҳаракатга келтиради.



БИРИНЧИ ҚЎҒИРЧОҚНИ КИМ ЯСАДАН?

Бугунги кунда шундай қўғирчоқлар борки, улар - юради, гапирди, кичқиради, ухлайди, ичади... Қисқаси, бугунги қўғирчоқ - тирик одамларга имкон қадар яқинлаштирилган. Бироқ ота-онаси қўғирчоқ сотиб олиб бера олмайдиган қизча бечорани тасаввур қилинг. У бир парча нарсани олади-да, уни кийинтиради ва "мана шу менинг қўғирчоғим" дейди. Рост, бу ҳам қўғирчоқ. Бунинг учун бола уни қўғирчоқ деб ҳисобласа бўлди.



Шу сабабли ҳам қўғирчоқ қачон пайдо бўлганлигини аниқ айтиш қийин. Эҳтимол, тарихгача бўлган даврларда ҳам, яъни инсон боласи бўлган вақтлардаёқ қўғирчоқ пайдо бўлгандир. Ҳинд болалари боши ва танаси шакли йўнилган тахтани қўғирчоқ санашади. Форс болалари ўралган латтага кош-кўз суратини чизадилар-да, ўшани қўғирчоқ деб ўйнашади.

Қадимги қабрлардан топилган қазималар чоғида болалар қабрларидан жасад ёнида лой ёки суяқдан ясалган қўғирчоқлар кўплаб топилган.

Топилган илк қўғирчоқлар орасида Қадимги Миср қўғирчоқлари эътиборга лойиқ. Улар умуман қўғирчоққа нисбатан эътиборли бўлишган. Мисрда дарахт бўлақларидан қўғирчоқлар ясаган ва уларни мунчоқлар билан безатишган. Топилган Қадимги Миср қўғирчоқларининг ёши 3 минг йилдан ортиқ.

Қадимги грекларнинг ҳам қизик қўғирчоқлари бўлган.

Қўғирчоқларнинг бошлари жуда яхши безатилган. Қўл ва оёқлари эса арқон ёрдамида ҳаракатлантирилган. Ҳозир ҳам кўп жойларда болалар шунақа "қўғирчоқ"лар ўйнайдиларки, сиз-биз уларни сира қўғирчоқ деб ўйламаймиз. Ёшгина эҳтимол қизча фил суягидан қирқилган парчани қўғирчоқ деб ўйнайди. Мексикалик қизалоқ эса куйдирилган лой қўғирчоқ билан овора. У бизнинг қўғирчоқларни жуда заҳил дейди.

Ҳозирги қўғирчоқлар асосан мумдан, матодан, папьемашосдан ва бошқалардан тайёрланади. Уларнинг бошлари андозаларини энг зўр расомлар яратишади.

Бироқ қизчалар учун қўғирчоқнинг қиммат-арзонлигининг аҳамияти йўқ. Муҳими, у инсонга ўхшаса, боланинг меҳрини тортса бўлгани!

ҚУЙДАГИ ВАРИАНТЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИ
ЮҚОРИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

A B C
D E

ҚУЙДАГИ ВАРИАНТЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИ
ЮҚОРИНИ МАНТИҚАН ДАВОМ ЭТТИРАДИ

A B
C D E

| | | |
|--|---|--|
| | | |
| | ? | |
| | | |

ҚУЙДАГИ ТҮРТБҮРЧАКЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИ
ЮҚОРИДАГИ СҮРОҚ БЕЛГИСИ ҮРНИГА
ҚҮЙИЛИШИ МУМКИН

A B C
D E F

ҚУЙДАГИ ВАРИАНТЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИ
ЮҚОРИНИ МАНТИҚАН ДАВОМ ЭТТИРАДИ

A Z
Y X B

ҚУЙДАГИ ВАРИАНТЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИ
ЮҚОРИНИ МАНТИҚАН ДАВОМ ЭТТИРАДИ

A B C D
E F



O'ZING SHUHRAAT TOP

Odangarchilik, ya'ni imligi, irodasi musmuruvvat kishining tahkamligi, chidamliligi, o'zi, urug'— aymog'i kamtarinligi tufayli, va o'z ahvoliga ta'sir ulug'vorligi bilan tanilib, etish bilan chegaralanadi. Gardlik-futuvvat ahlidan bo'lmasa ham, esa undan ham ustun oliy darajaga ko'tariladi. turib, o'zidan tashqariga ham o'tadi. Muruvvatli mard kishi o'ziniki emas, balki haqli ravishda (o'sha sifatleri bilan) ekanligiga hech kim ehtirom qilinadi. Bu xuddi Jahza-al tortishib o'tirmaydigan Barmakiyning aytganiga narsadan boshqasiga egalik qilmaydi. o'xshab ketadi. Basrada

Agar u odamlarning bir kishi bo'lgan ekan. osoyishtaligi deb U har kuni uydan chiqmashaqqatlarga moqchi bo'lsa o'zining chidasa; ziqnalik qileng yaxshi kiyimini kiymasdan, boshqalarga ib, chopqir ulovini minnasib etmay, unga ato ib, hojatini chiqarishga qilingan narsalarni biurinar ekan. Undan bu rovlarga bersa, bunday odam o'shanday haqda nega unday qilasan, deb so'rashsa qudrat bilan shunday debdi:

shuhrat topgan «Men ko'zadan eng mard kishi yaxshi sharbatlarni ichib sanaladi. U lazzatlanaman. Hatto bu o'zining sharbatni eng shuhratli halimligi, bastakorlarning ashula muloy- aytib torlari chertilgan

Beruniy 973 yili 4 sentyabrda Xorazmda tavallud topgan. U garchi ota-onasidan erta judo bo'lsada, yaxshi odamlar qo'lida tarbiya topgan. U yoshligidan aniq fanlarga juda qiziqqan. U turkiy, arab,

Abu

fors tillarini qunt bilan o'rgangan. Bilimi to'lishgach, matematika, astronomiya va geografiyadan asarlar yozishni boshlagan. U


Rayhon

tabiatan kamtar va odobli, haqgo'y va oliyjanob bo'lgan. U o'z zamonining dindorlari tazyiqiga uchrab, 22 yoshida Xorazmini tashlab

dunyoga kelgan. Beruniyning

Beruniy

hozirgi yoshlarga o'rnak bo'ladigan yana bir hislati, uning har bir ishga sinchkovlik bilan erinmay, boshlagan masalani oxiriga yetkazishga intilishidir. U 75 yil umr ko'rgan. Shu davr ichida u 150 dan ortiq asarlar yaratgan.



«Ajododning shuhratiga suyanma, o'zingga o'zing shuhrat top» U bunda shoirning bu she'rini nazarda tutgan:

«U o'zini botirlik va ilg'orlikka o'rgatdi»

Birov aytgan ekan: «Kimda kim obro'li qarindoshlariga nisbat berib ularni vosita qilsa, va (o'zi hech narsa qilmay, faqat) o'lgan ajoddlari bilan faxrlanib yursa, o'sha kishining o'zi o'lik, ajoddlari esa tirik hisoblanadi»

Bu xuddi bir kishining:

«Agar er kishi o'zini o'zi yuksaklikka ko'tarolmasa, chirigan suyaklar uning faxr manbai bo'la olmaydi», degan gapiga o'xshab ketadi.

ajoyib paytlarda ham ichganman, ularning ovozlari xuddi daraxtlardagi xushovoz qushlarning ajoyib nag'malariga o'xshab ketadi. Lekin bu hursandchiligimning hammasi ham hech qachon men biror kishiga yaxshilik qilib, uning do'stlari o'rtasida men-

ga bildirilgan minnatdorchilikdan olgan hursandchiligimga yetmas edi».

Bir ulug' qabilaga mansub kishi ota buvalarini pesh qilib, Amir Ismoyil as-Somoniyyga murojaat qilib xat yozibdi. Shunda Ismoil uning xatiga shunday javob beribdi:

— Биз билан горелка уйнамоқчи бўлди, дедингми?! Бўлмаган гап!

— Жуда бўладиган гапда. Тагин унинг уйлаб топганини қаранг! Қайсимизни тутса, упади-я!

— Ихтиёр сенда, Настя, ammo сен ёлгон гапираётгансан?

— Ихтиёр сизда, ёлгон гапираётганим йўқ. Мен ўзимни зўрга ундан қутқардим. Кун бўйи бизга илашиб юрди.

— Ахир қандай қилиб? Уни ахир бировга хуштор ва ҳеч кимга қарамайди, дейдилар-ку?

— Билмадим, менга булса жуда қаттиқ тикилди. Таняга ҳам, гумашта хотиннинг қизига ҳам; Колбинскийи Пашага ҳам шундай; тўғриси, ҳеч қайсимизни ранжитмади, шундай шўхки!

— Буни қизик! Хўш, уйда унинг тўғрисида нима гап бўлди?

— Барин жуда яхши, шундай ёқимтой, хушчақчақ одам, — дедилар. — Биргина қилиги ёмон. Қизлар орқасидан кўп юради. Менимча, бу айтарлик айб эмас, вақти билан куйилиб қолади.

— Мен уни қандай кўргим келади-я! — деди Лиза ух тортиб.

— Нимаси қийин? Тугилово биздан унча узоқ эмас, ҳаммаси бўлиб уч чақирим; уша томонга сайр қилиб боринг, ё отга миниб кетинг; сиз албатта,

унга дуч келасиз, у ҳар кун эрталаб милтиқ билан овга чиқар экан.

— Йўғ-е. Яхшимас. У бу қиз менинг орқамга тушган экан, деб ўйлаши мумкин. Унинг устига оталаримиз орасида можаро бор, шундай қилиб, ҳарҳолда у би-

ни эътироф этди. У ўз ролини такоррлар эди; келатуриб эгилиб бир неча бор таъзим қилар, сўнгра лойдан қилинган мушқдай бошини чайқар, деҳқон лаҳжасида сўзлар, енглари билан ўзини беркитиб кулар ва Настянинг мақташларига сазо-

чошиб ўтиб, далага жунади.

Шарфда шарақ ярқирар ва олтин булутлар туркуми сарой аҳли подшони кутаётганига ўхшайди; тиниқ осмон, тонг салқини, шудри-

«ҚИШЛОҚИ ОЙИМҚИЗ»

(№ дан № га)

лан танишувим мумкин бўлмас... Оҳ, Настя!

Биласанми нима, мен оддий қишлоқ қиз бўлиб кийинаман!

— Ростдан-а, кенг бир куйлак, сарафан кийиб олинганда, кўрқмасдан Тугиловога тўғри жунан; кафил бўламанки, Берестов сизни кўздан қочирмас.

— Бу ерлилар тилида булса гаплашувни яхши биламан. Оҳ, Настя, севиқли Настя! Қандай яхши фикр!

Лиза ўзининг бу нииятини шаксиз ўрнига етказишга қасд қилиб, ўрнига ётди. Эртасиёқ у ўз планини бажаришга киришди: қалин мата, кук чит билан мис тугмалар сотиб олишга одам юборди, Настянинг ёрдамида ўзига куйлак билан сарафан бичди, бутун хизматкор қизларни текишга ўтказди, кечқурун ҳаммаси тайёр бўлди. Лиза кийиб, ойнада ўзини кўрди ва шу чоққача бунчалик жозибатор бўлмагани-

вор бўларди. Бир нарса уни қийнар эди: ҳовлида ялангоёқ юриб кўрмоқчи бўлган эди, латиф оёқларига ҳасчўп ботди, кум ва майда тошлар чидаб булмас даражада оғритди. Настя бу ерда ҳам унга ёрдам қилди: у, Лизанинг оёгини ўлчаб олиб, даладаги Трофим Чўпон томонига қараб чопди ва бир жуфт пўстлоқ қавуш буюрди. Лиза эртаси кун саҳарлаб кўзини очди. Бутун уй ичидаги ҳарли ухларди. Настя дарвоза ёнида чўпонни кутиб турарди. Най чалинди ва қишлоқ подаси бариннинг ҳовлиси ёнидан ўта бошлади. Трофим Настя олдишдан ўта туриб, унга бир жуфт ола-була кичик пўстлоқ қавушини тутқазди ва ундан ярим сўм қавуш ҳақини олди. Лиза секингина қишлоқ қиз тарзида кийиниб олди ва Настяга пичирлаб Жаксон хонимга тегишли топшириқларни бериб, орқа эшикка чиқди-да, полиздан

нг, шабада ва қушларнинг сайрашлари Лизанинг юрагини болалик севинчи билан тўлдирди. Бирон танишнинг дуч келиб қолишдан кўрқиб, у учгандай тез югурарди. Отасининг мулки чегарасидаги чакалакка яқинлашар экан, Лиза юришини секинлатди. Бу ерда у Алексейни кутмоқчи эди. Юраги қаттиқ тепарди, сабабини ўзи ҳам билмасди, лекин шўх ёшларимизнинг кўрқиб-чўчиб туриши уларнинг энг яхши латофатидир. Лиза чакалакзор қоронғилигига кирди. Чакалакнинг бўғиқ ва тарқоқ шовуллаши қизни қутлади. Унинг севинчи пасайди. Секин секин ширин хаёлларга берилди бошлади. У уйларди... лекин, ўн етти яшар ойимқизнинг баҳор тонгида, соат олтида, чакалакда ёлғиз ўзи нима тўғрида ўйлаётганини аниқ билиш мумкинми? Шун-



дай қилиб, у, ҳар икки томондан ёғочлар кўланка ташлаган йул буйлаб, уйга ботиб борарди, бирдан чиройли бир овчи ит унга қараб хурди. Лиза кўрқди ва бақириб юборди. Шу пайтда аллақандай деган товуш эшитилди ва ёш дарахтлар орқасидан овчи йигит кўринди. «Кўрқма севимли қиз, — деди Лизага, — Менинг итим қолмайди». Лиза энди тетикланиб, шу заҳоти фурсатдан фойдаланди. «Йўғ-е барин, — деди у, кўрққансимон ва уялгансимон бўлиб, — кўрқаман, кўрасанми, у қандай қопогон. Яна менга ўзини ташламасин».

(Давоми бор)



18.10 «Ёрилтош». Мульттуплам.

Ўз.ТВ-4

17.00 Бу ажиб дунё.
17.15 Куйини топинг.
17.45 Мультчархпалак. Ака-ука Гримм эртаклари, «Ранг-баранг ҳайвонлар териси».

ЖУМА, 2 ИЮЛЬ

Ўз.ТВ-1

9.05 Юрт ўғлонлари. Спорт дастури.
10.25 Абитуриентлар сизлар учун. Физика.
10.45 Немис тили.
11.15 Абитуриентлар сизлар учун. Биология.
11.35 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.05 Шоирлар болаларга. Т. Адашбоев.
12.35 Орзулар қанотида.
18.10 Болалар учун «Доно бобо даврасида».
20.10 Оқшом эртаклари.

Ўз.ТВ-2

18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади. «Болалар дам олиш масканларида».

Ўз.ТВ-3

9.00 «Ёрилтош». Мульттуплам.
9.40 Болажонлар экранни.
18.10 «Ёрилтош». Мульттуплам.

Ўз.ТВ-4

19.10 Кулишни унутманг... Дам олиш дастури.

Ўз.ТВ-4

17.45 Мультчархпалак. Ака-ука Гримм эртаклари. «Ранг-баранг ҳайвонлар териси».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

ШАНБА, 3 ИЮЛЬ

Ўз.ТВ-1

10.15 «Кўзгу».
10.40 Соғлом авлод учун.
11.20 Мен билган, билмаган дунё.
18.00 Болалар учун «Кичкинтоймиз — гижингоймиз».
19.55 Оқшом эртаклари.

Ўз.ТВ-2

9.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.
9.50 Кусто командасининг сув ости саргузаштлари.

13.25 Ёзги таътил. «Олтин калитча» Бадийий фильм.

18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

Ўз.ТВ-3

9.30 Соғлом бўлай десангиз.
9.40 «Ёрилтош». Мульттуплам.
10.15 Болажонлар экранни.
18.00 «Ёрилтош». Мульттуплам.

Ўз.ТВ-4

11.20 Жонли сайёра.
18.05 Бинафша.
ЯКШАНБА, 4 ИЮЛЬ
Ўз.ТВ-1
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 Ватанимга хизмат қиламан.
11.00 Маҳалламиз бола-

лари. Телемусобақа.

18.00 Олтин тож. Телевизион уйин.

Ўз.ТВ-2

9.40 «Янги авлод» студияси намоиш этади.
13.25 Цирк! Цирк! Цирк!
18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади. Уй ва зифаси.

Ўз.ТВ-3

19.30 «Синфдош».

Ўз.ТВ-3

9.30 Соғлом бўлай десангиз...
10.00 Болажонлар экранни.

18.10 «Ёрилтош». Мульттуплам.
9.05 Эртақларнинг сеҳрли олами.
11.05 «Фан-тайм». Болалар учун инглиз тили.

18.10 «Ёрилтош». Мульттуплам.

9.05 Эртақларнинг сеҳрли олами.
11.05 «Фан-тайм». Болалар учун инглиз тили.

9.05 Эртақларнинг сеҳрли олами.
11.05 «Фан-тайм». Болалар учун инглиз тили.

11.05 «Фан-тайм». Болалар учун инглиз тили.

11.05 «Фан-тайм». Болалар учун инглиз тили.

11.05 «Фан-тайм». Болалар учун инглиз тили.

СЕШАНБА, 29 ИЮНЬ

Ўз.ТВ-1

9.10 Кусто командасининг сув ости саргузаштлари.
10.05 Янги алифбони урганамиз.
10.50 Шумтакалар. Мультсериал.
11.20 «Ёш юлдузлар».
18.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.

Ўз.ТВ-2

18.05 Кусто командасининг сув ости саргузаштлари.

Ўз.ТВ-3

10.10 «Ёрилтош».
15.40 «Бинафша».
17.00 Жонли сайёра.
17.15 Куйини топинг.
17.45 Мультчархпалак. Ака-ука Гримм эртаклари. «Тамтит ва айиқ».

ЧОРШАНБА, 30 ИЮНЬ

Ўз.ТВ-1

8.55 «Етгил камолга». Спорт дастури.
9.10 Кусто командасининг сув ости саргузаштлари.
10.25 Абитуриентлар, сизлар учун. Адабиёт.
11.05 Абитуриентлар сизлар учун. Кимё.
12.05 Қўшигим, жон қўши-

гим.

18.10 Болалар учун «Кувноқлар даврасида».

20.00 Оқшом эртаклари.

Ўз.ТВ-2

18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади. «Билагон маслаҳати».

Ўз.ТВ-3

18.10 «Ёрилтош». Мульттуплам.

Ўз.ТВ-4

17.45 Мультчархпалак. Ака-ука Гримм эртаклари, «Тамтит ва айиқ».

ПАЙШАНБА, 1 ИЮЛЬ


Ўз.ТВ-1

9.10 Кусто командасининг сув ости саргузаштлари.
10.20 Абитуриентлар сизлар учун. Она тили.
11.20 Абитуриентлар сизлар учун. Математика.
11.45 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.05 Сеҳрли оҳанглар.
12.25 Хайр, боғча.
12.40 Шу Ватанга бордир менинг керагим.
18.10 Оқшом эртаклари.

Ўз.ТВ-2

18.05 Кусто командасининг сув ости саргузаштлари.

Ўз.ТВ-3



Мен ҳам мультфильм кўраман

Бир вақт Қосим амаки билан Мехрихон иккови «ғун-ғир»лашиб гаплаша бошлади. Мақсуд айвонда, Қосим амаки билан Мехрихон эса сал беридаги каравотда ётишган эди. Мақсуд бошини кутаришнинг иложини қилолмади. Аммо унгу қулогини очиб уларнинг сўзларини баралла эшита бошлади.

— Анови борку... Қирқолачиқдаги Кипоят...

— Ҳа, ановими? — бузук демоқчи бўлди шекилли, — Ҳа нима бўлибди.

— Ҳаромидан туғиб, боласини қабристонга ташлаб кетаётган экан, қушниси куриб қолибди. Далада қизлардан эшитдим-у, юрагим эзилиб кетди. Далада туролмадим, уйга келиб роса йиғладим.

Демак, Мехрихон опамнинг йиғлаши фарзандсизликдан эканда, дея дилидан утказди Мақсуд. Қосим амаки билан Мехрихон бир маҳалгача суҳбатлашиб ётишди. Мақсуд эса эрта кундаёқ ухлаб қолган эди.

Ҳа, йиғи фақат чақалоқларгагина ярашади. Чунки ота она уларни юпатиб, овунтириб олади. Аммо катталар йиғламасин. Уларни ким нима билан юпатади? Ишқилиб ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч ким йиғламасин-да!

ЁМОНГА ЯҚИНЛАШИБ...

Дарахтларнинг баргига олтин сув югурди. Дастурхонлар кузнинг ноз-неъматлари билан тўлди. Ишқомлардаги каттақўрғон, судраб босар, ҳусайни узумлар шундай пишди-ки, тилни ёргудек. Қушнинг ҳовузи йўл бўйида бўлгани учун болалар асосан шу ерда уйнашар эди. У ерда катта қайрағоч, сада бўлгани учун чумчуқлар туникун «чурқ-чурқ»лаб ҳовуз бўйини обод қилиб турар эди. Далага мол боққани борган болалар ҳам молларининг қорнини туйгазиб бўлиб, шу ерга келиб, молларини нарироқдаги тутларга бойлаб қўйиб, ўзлари уйнашар эди.

Боқининг онаси Хонбу хола ҳар дойим «Чумилаверманлар, безгак бўлиб қоласизлар», деб болаларни қувла-

гани-қувлаган эди. Болалар эса унинг кўзини шамғалат қилиб, ҳовузга бир ташлаб оларди-да, Хонбу холанинг овозини эшитишса, иштон-қўйлақларини қўлтқиқлаб, қочиб қолишарди. Хуллас бу ер болаларнинг мазза қилиб чумиладиган, дам оладиган жойи эди.

Қуёш ғарбга томон оғди. Мол боқиб юрган болалар ҳам молларини етаклаб жўнаб қолишди. Носиржоннинг синглиси Маҳиятхон келиб «Аҳмаджон акам чақиряптилар», деб Носиржонни олиб кетди. Боқ

рози бўлишди. Аммо Мақсуд «опам сўкадилар» деб унамади.

— Нега сўкадилар? — деди Жура, — сен қараб турасан холос. — Узумни биз олиб чиқамиз. Кейин биласанми мусаллас тайёрлаймиз.

Мақсуд «мусаллас» деган сўзни биринчи эшитаётгани учун Журадан сўради. Чунки Жура бу ердаги болалардан анча катта ун беш ун олти ёшларда эди.

— Мусаллас нима?

— Э, ҳали билмайсанми?

ролмас эди. Мақсуд пайкал бошида пойлоқчилик қилди. Шериклари кўйлақларини ечиб, пайкал оралаб узумзорга кириб кетишди. Бир вақт нарироқда боғ қоровули Маҳкам ақанинг улар томон югуриб келатганини кўрган Мақсуд ўртоқларига қарата бақирди.

— Абдурайим, қочинглар, қоровул!!

Болалар аллақачон қоровулни куриб қочиб қолишган экан, Маҳкам ака югуриб келиб Мақсудни ушлаб олди. Мақсуд мени ушламайди, деб ўйлаб қо-

оша колхоз раҳбарлари тушликни шу ерга келиб қилишади. Агар колхозга райондан вакиллар ёки меҳмонлар келса ҳам уларни шу ерда овқатлантириб, дам олишларига имкон яратар эдилар. Чунки боғ бригадир Оқбоев деган одам жуда шинаванда, одомохун, меҳмондўст киши эди. Ҳовуз бўйидаги сўрида икки киши ёнбошлаб ётибди. Улардан бири колхоз раиси Метинбой Тожибоев билан боғ бригадир Оқбоев эдилар. Сўрида иккита қовун, бири сўйилган, иккисига тиг теккизилган эмасди. Яқингинада ювиб келтирилган хусайни узум тарелкада худди дончаларидаги томчилар марвариддек товланиб турарди. Уйин билан бўлиб, тушлик қилмаган Мақсуд қорнининг очганини мана ҳозир, каравотдаги қовун, узумларни курибгина сезди. Қани энди бир бош узум билан яримта нон бўлганда маза қилиб еб оларди.

— Мана хужайин угрининг биттасини ушлаб келдим, — дея Мақсудни раис ёнбошлаб ётган каравот ёнига олиб келиб елкасидан туширди, қулини маҳкам ушлаб турар эди. Раис бошини кутариб Мақсуддан сўради.

— Қимнинг ўғлисан?

— Бу қизиталоғми? Қосимжоннинг асрандиси, Қосонсойдан олиб келган ўғли шуда, — дея тушунтира бошлади Маҳкам ака, — шериклари қочиб кетди. Боғ маҳаллада бунга ўшаганлардан беш-олтита бор.

У Мақсуднинг ўртоқларини дадасининг исмини айтиб, ҳатто лақабига таърифлаб, раисга тушунтира бошлади.

— Шундайми? — деди раис. Мақсуд индамади.

— Булар бир-бирини айтмайди, ўртоқ раис, — деди боғ бригадир.

— Исминг нима? — сўради раис Мақсуддан.

— Мақсуд.

— Қосим ака уйдадилар?

— Далага кетганлар.

— Уйда ким бор?

— Опам.

— Опанг далага чиқмадими?

(Давоми бор).



қўйимга ўт қиламан, деб жўнаб қолди. Бу ерда турт оғанилар, яъни Қаҳҳор, Абдурайим, Жура ва Мақсудларгина қолишди. Улар бироз суҳбатлашиб ўтиришди-да, Ҳомида чўлоқнинг ўғли Жура Шерикларини колхоз боғидан узум олиб келишга бошлади. Қаҳҳор, Абдурайимлар Жура билан узум ўғирликка боришга

Маза нарсада. Кейин айтаман. Биз билан бирга боравергин, ўшогда айтаман.

Мақсуд ҳам рози бўлди. Улар колхоз боғига узум ўғирликка жўнашди. Боғдаги тоқларнинг ҳаммаси сўрисиз ерга ётқизилган бўлсада, уни ғўмай, турли ўт-уланлар босиб кетгани учун унинг ариғида ёш болалар юрса уларни ҳеч ким қў-

чишга улгуролмай ҳам қолди. Иккинчидан болаларнинг ичидан энг кичиги ҳам Мақсуд эди. У ҳам қочаётган эди-ю, элик қадамлар чамаси юргандан кейин, орқасига қараган эди, оёғи зангтокка илиниб йиқилиб тушди. Маҳкам амаки эса югуриб келиб уни ушлаб олди.

— Сен зангар нима қилиб юрибсан ўғрилар билан, — деди-да, «Жон амаки»лаганига қарамай кутариб олиб, боғ шийпони томон олиб кета бошлади, — ўғри боши сен экансан-да. Шерикларингни қочирвординг-а? Мана энди сени раиснинг олдига олиб бораман.

Қоровул бир қўли билан Мақсуднинг ун оёғини, бир қўли билан икки қўлини маҳкам ушлаб елкасига кутариб олди. Мақсуд фақат «Жон амаки, мен ўғирлаётганим йўқ эди, энди боққа чиқмайман»дан бошқа ҳеч нарса демасди. Зингиллаганича тол тагидаги шийпонга олиб келди. Бу ерда боғ бригадасининг аъзолари дам олиб, овқатланишар эди. Тол каттақон ҳовуз қирғида бўлгани учун бу ерни «тол таги» деб юриштишади. Бунда кичкинагина уйча, унинг олдида тўрт-беш кишилик шинагина каравот, ҳовуз бўйида эса қулочга сиғмайдиган толлар, садалар ҳам бор эди. Бу ер жуда шинамгина дам оладиган жой. Қунига, бўлмаса ҳам кун

ДИЙДОРИНГНИ ҚУЁШ СОҒИНАР

Юртим, Сени мадҳ этмоқ учун Қалам керак меҳригидан. Жамолингни васф этмоқ учун Сўз яратмоқ керак зиёддан.

Сенда отган тонглр мунаввар, Ойдин тунлар — юлдузли чаман. Дийдорингни қуёш соғинар, Офтобга ҳам азизсан, Ватан!

Кўз очаркан ҳар гиёҳ-майса, Боланг бўлиб Сенга талпинар, Боғларингда баҳор жилмайса Ҳажринг билан қаҳратон куяр.

Ҳар фаслга бирдек меҳрибон, Бағринг очиб чиқасан пешвоз. Сени суяр аёз-қаҳратон Наврўз тушар гулдан поёндоз.

Мен бир райҳон, гўзал чаманда Сўз атрини айлайман нисор, Сендек озод ва хур Ватанда Ҳамроҳимдир Бахт ила Баҳор!

Истиклолинг Тангридан эҳсон, Юртим, Сенга мафтундир дунё, Бу оламда тенгсиз гулистон, Тарк этмасин осмонинг Ҳумо!

МАНГУ СЎЛМАС БАҲОРИМСАН...

Чаманимсан, ифорингга тўйиб бўлмас, Дийдорингни қиёматга қўйиб бўлмас, Мингта жаннат боғидан ҳам Сен муқадас,

Мангу сўлмас баҳоримсан - Узбекистон,

Бахти кулган диёримсан - Узбекистон!

Сен мусаффо ҳам мунаввар осмонимсан,

Боболардан мерос шонлиistonимсан,

Онамдек меҳрибон, озурда жонимсан,

Бағри қайноқ, юзи офтоб Uzbekiston,

Иймони пок, олтиндек соф Uzbekiston!

Байрогингни, юлдузларингни, иқболингни,

Тангрим улуг қилсин мудом Хилолингни.

Шарқ машъали, шаъни комрон камолингни,

Қадри буюқ қадим Турон Uzbekiston,

Мен-ку хоксор бўлиб дунё топмадим, - Узбекистон!

ЎҒЛИМГА

Қисиниб-қимтинма, шаҳдам бўл, болам, Шоирнинг ўғлисан, уқтам бўл, болам, Мен-ку хоксор бўлиб дунё топмадим,



Алломасан, самоларда изларинг бор, Фотиҳларни мағлуб қилган қизларинг бор.

Жаҳон аҳлин лол этгувчи сўзларинг бор,

Сарбонисан Осиёнинг Узбекистон,

Даҳоларнинг ошиёни - Узбекистон!

Дилдан жўшиб куйлагайман

Сен соҳиби виқор, акрам бўл болам.

Орзуларинг ойдин, Ойга кўлинг чўз, Тулпор минган кўндур, Сен баридан ўз.

Фазлу камол топсанг - ҳасад-ла боқса, Рўшнолик кўрмасин ганим, ғайиркўз.

Тангрим Сенга берсин камоли имдод, Сенга ҳавас қилган Мени айлар ёд,

Отанг бўлиб нечун бахтинг сўрамай,

МУҲИДДИН ОМОН.

Урмининг мазмуни, эй, азиз зурёд!

Сен Менинг тилагим, дилда кўкарган,

Сўянчим, тиргагим кўнглим кутарган,

Улуг ният ила Элнур атадим,

Дилга нур бағишлаб, зиёга буркан!

Сен Менинг жонимсан, қонимдан бунёд,

Фарахларга тўлуғ онимдан бунёд,

Магар забун курсам, чеҳраи олинг

Кўрғоним барбоддур, бозорим касод.

Шоирнинг ўғлисан, уқтам бўл, болам,

Қисиниб - қимтинма, шаҳдам бўл,

Мен-ку хоксор бўлиб дунё топмадим,

Сен соҳиби виқор, акрам бўл, болам...

ФАРДЛАР

Маърифат шаъмидан таралганда нур,

Ориф кўнгуллارга бахш этар ҳузур. * * *

Тафаккур чарҳида қайралган забон

Таҳсинга сазовор бўлур бегумон. * * *

Ақлу идрок ила теранлик зоҳир,

Донолар закийдур, зукколар қодир. * * *

Бу олам мунаввар, музайян абад,

Токи, Сен илмга қўйсанг муҳаббат. * * *

Маърифат уммондур, чашмаси бисёр,

Дунёда бор дониш унга харидор. * * *

Бахраварлик нодир илоҳий мерос,

Инсон ул-кимдадур илмга ихлос.

ДОНОЛАР АҲЛОҚ ҲАҚИДА

1. Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўргаларингизда меҳр-муҳаббат уйғонади.
2. Инсонларнинг энг афзали хулқ-атвори яхшиларидир.
3. Кимгаки, ақлу идрок на-сиб этилган бўлса, демак у омадлидир.
4. Узр сўрагандан кўра, узр сўраладиган ишни қилмаслик-

- ка одатланинг.
5. Инсондаги энг ёмон хислат ўта бахиллик ва ўта кўрқоқликдир.
 6. Дўст билан бир йил аразлашиб юриш унинг қонини тўкиш билан баробардир.
 7. Кимки бировга ёмонлик қилса, шу дунёнинг ўзидаёқ жазосини олади.
- «ҲАДИС» ДАН

БОТҚОҚДАН САКРАБ УТИШ

САВОЛ: Кунлардан бир кун барон Мюнхгаузен узи бошидан кечирган бир ута «ро-ст» ҳодиса ҳақида гапириб берди. Йулда кетаётган у жу-да кенг ботқоқликка дуч келиб қолибди. Югуриб келиб сакрабди. Ярим йулда ботқоқнинг нариги қирғоғига етиб олишига кузи етмай қолибди. Шунда топқир барон шартта орқага угирилиб, қайси қирғоқдан сакраган булса, уша қирғоққа омон-эсон қайтибди. Айтгин-чи, барон алдамаяптимикин?

ГАНИ ТОҒАМНИНГ УЙИ

САВОЛ: Гани тоғам бир хонали уйда турар эди. Хонаси томонлари бутун сонли метрларда ифодаланган квадратдан иборат эканлиги учун унга ёқар эди. Бир кун у уйини юзаси олдинги уйининг юзасига тенг икки хонали кун уйга алмаш-тирди. Бу уйнинг ҳам хоналари квадрат шаклида бўлиб, бири-

нинг юзаси 7 м2ни ташкил эта-ди, иккинчисининг томонлари бутун сонли метрларда аниқ-ланади. Гани тоғам уйининг юзаси қанча?

ТУҒИЛГАН КУН

САВОЛ: — Туғилган кунингиз билан, бувижон!
 — Раҳмат, Алишержон. Сени ҳам туғилган кунинг билан табриклайман.
 — Бувижон, неча ешга кирдингиз?
 — Қани узинг ҳисоблаб топ-чи? Агар ҳозирги йилнинг охиригача икки рақамлари урни алмаштирилса, менинг туғилган йилим келиб чиқади.
 — Демак, сиз мендан рошпа-роса 8 марта катта экансиз-да. Бобом эсан-дан ҳам куп марта.
 — Ҳа, албатта. Бобонг инқилобдан олдин туғилган, мен эса кейин туғилганман.
 Бу суҳбат нечанчи йилда бўлиб утган?


Суратга олиш майдон-часида кинорежиссёр, ассистентлар югуриб юришибди. Уриндикда беш нафар актёр йигитлар утирибди. Майдонда мўйловли семиз актёр РЕЖИССЁР — Ҳамма жой-жойидами? ЁРДАМЧИ — Ҳа, ҳа, мана-ви 5 киши битта ролга дублёрлар. РЕЖИССЁР — Хуш-хуш, илгари келтирилган 5 киши иккинчи зарбадаёқ кулаб, ролдан маҳрум бўлиб кетишган эди. Қани буларни кўрайликчи. (Барча утирган актёрларнинг ку-

Мактаб сахнаси учун

чини биладиган ушлаб кўриб) Сиз-чи чиқинг. Яхши, яхши, яхши. Дикқат сьемкага тайёрланинг. Сьемкага тайёрланинг! Мотор! ЁРДАМЧИ — Кадр! Дубль! Гапир!
 СЕМИЗ — Ҳазинани қаерга яширгансан?
 ЙИГИТ — Билмадим.
 СЕМИЗ — Билмайсанми, мана сенга (тарсаки тортади, йигит гандирак-лаб қолади).
 РЕЖИССЁР — Яхши стоп, мотор.
 ЁРДАМЧИ — Кадр икки. Дубль икки.
 СЕМИЗ — Гапир! Ҳазинани қайга яширдинг?
 ЙИГИТ — Билмадим!
 СЕМИЗ — Билмайсанми, мана сенга! (Йигит юзига тарсаки тортади, йигит утириб қолади).
 РЕЖИССЁР — Стоп! Яхши. (Ассистентлар йигитни кийимларини қоқиб, турга-

зиб қуйишади. Йигит бе-хушдай туради). Мотор! ЁРДАМЧИ — Кадр уч, дубль уч (Ёғочни шақилла-тади)
 С Е - М В — Гапир! Ҳазина-ни қаерга яширдинг! (Йигит жим қули билан «йўқ» ишорасини қилиб қочиб чиқиб кетади).
 РЕЖИССЁР — Стоп! Кейингисини олиб чиқинг. (Ёрдамчи уриндикга қараса бум-буш, ҳеч ким қолмаган).
 РЕЖИССЁР — Йигитни узгартириш керак, янги йигит, янги дублёр топиш керак.
 ЁРДАМЧИ — Уртоқ режиссёр, у актёрни эмас (семизни курсатиб) бу актёрни узгартириш керак.
 СЕМИЗ — Нима?
 Хушидан кетади.


Санобар ҚОДИРОВА.



ЎТГАН СОНДАГИ БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБИ:

СОАТ МИЛЛАРИ ЙУНАЛИШИДА: 1. Агтор. 2. Нохуш. 4. Балиқ. 5. Форум. 7. Жануб. 8. Карим. 10. Камар. 11. Низом. 13. Нозир. 14. Роҳат. 16. Дамба. 17. Тароқ. 19. Ватан. 21. Тошбақа. 21а. Театр. 22. Аллоф. 24. Помидор. 24а. Похол. 25. Данак. 27. Камалак. 27а. Камон. 28. Лимон. 30. Самовар. 30а. Сомса. 31. Вазир. 33. Ботинка. 33а. Болта. 34. Намат. 36. Ошқоқоқ. 36а. Опера.

СОАТ МИЛИГА ТЕСКАРИ ЙУНАЛИШИДА: 3. Тахир. 6. Варақ. 9. Мироб. 12. Бозор. 15. Баҳор. 18. Биржа. 20. Қайин. 23. Ампер. 26. Румол. 29. Какао. 32. Ребус. 35. Аждар. 37. Тақа. 38. Арра. 39. Алла. 40. Анор. 41. Расм. 42. Март.



Азиз болалар! Аввал қуйида таърифланган сузларни топиб шаклдаги рақамли хонадан чизиқ буйича нуқтали айланаларга, сунгги ҳарфни курсаткич йуналиши чизилган айланага ёзинг.

1. Кушлар учун қурилган уя.
2. Афсонавий учар от.
3. Цитрус усимлиги ва унинг меваси.
4. Жаҳолатда қолган, маърифатсиз киши.
5. Тотувлик муносабати билан боғланган кунгил, муҳиб.
6. Совутиб қуйилган сой.
7. Шошма-шошарлик.

Энди жавобларни қаторлар буйича кетма-кет уқинг. Ундан Соҳибқирон бобомиз-Амир Темурнинг утитларидан бирини билиб оласиз.

Тузувчи: Шерзод ЗОЙИРОВ, Тошкентдаги 229-мактаб ўқувчиси.

Илҳом ЗОЙИРОВ

ГОНОРАР ҲАЗИЛ

Шаҳардаги уғлининг Уйига келди Она. Боласин атрофида Булиб қолди парвона. Уғил қоғоз титади, Китоб варақлар гоҳо. Терлаб-пишиб кетади, Дейди: «Иссиқда ҳаво».

Шу ишлари билан банд, Утирарди столга. Унинг ёнига келиб, Она тутар саволга: — Шунча қоғоз тўлдириб, Чарчаб, қиласан меҳнат Нечун мени соғиниб, Ёзмайсан бир энли хат? Уғил хаёлга ботиб, Сунг жилмайиб суз айтар: — Ойи, сизга хат ёзсам, Ким тўлайди гонорар?



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ. «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Йўлдош САИДЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ, Мукаррама МУРОДОВА, Мирзанўлат ТОШПҲАЛАТОВ, Музаффар ПИРМАТОВ, Баҳолир ТОҒАЕВ, Равшан ҚАМБАРОВ.

ИВМкомпьютеридатерилди ва саҳифаланган. Оффсетусулидабосилди. Ҳажми 1 босматабоқ. Буюртма — Г-0454. 43.351 нуссалабосилди. Қозовбичими — А-3. Босилпатонлирини вақти 19.00. Тошпирлиди — 19.00.

• Рўйхатдан утин тартиби № 000137
 • Манзилимиз: 700129, Тошкент шаҳри,
 • Навоий кучаси, 30 уй.
 • Нашр курсаткичи: № 64563
 • Телефон:
 • 144-22-64
 • 136-54-21